

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
23-aprel
chorshanba
№ 16 (1443)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

www.uzhurriyat.uz



gazhurriyat@mail.ru



t.me/hurriyatuz



Hurriyat gazetasi

МАЪНАВИЯТ



Китоб. У – энг садоқатли дўст. У – муаллим, у – устоз! Зеро, ҳар бир эзгу калом қалбдаги туғёнлар инъикоси, ифодаси. У нафақат кўнгил кечинмаларини ифодалайди, балки халқнинг тарихидан, бугунидан, эртасидан сўзлайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида 2021 йилдан буён мамлакатини

мизда ҳар йили апрель ойида “Китобхонлик ҳафталиги” ўтказилиб келинмоқда. Қуни кеча Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада “Ўзбекистон – китобхонлар юрти” шиори остида V Республика “Китобхонлик ҳафталиги”нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

ЭНГ САДОҚАТЛИ ДЎСТ ВА УСТОЗ!

Юртимизда “Ўзбекистон – китобхонлар юрти” шиори остидаги V Республика “Китобхонлик ҳафталиги” давом этмоқда

Тадбирда турли давлат идоралари раҳбарлари, адиблар, ахборот-кутубхона мутахассислари, жамоатчилик фаоллари, китобхонлар иштирок этди.

Ҳафталик очилиш маросимида сўзга чиққан АОКА директори Асаджон Ходжаев сўнгги йилларда мамлакатимизда ноширлик-матбаа фаолияти, ахборот-кутубхона хизматларини янада яхшилаш, китоб тарғиботини кенгайтириш, мутолаа маданиятини ошириш, таржима йўналишини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталди.

– Китобхонликка оид инфратузилмани мустаҳкамлаш борасида 60 дан ортиқ вилоят, туман ва шаҳар ахборот-кутубхона марказларида капитал-қурилиш ишлари амалга оширилиб, замонавий хизмат кўрсатиш талаблари асосида китобхонларга фойдаланиш учун топширилди. Жумладан, 18 та ахборот-кутубхона маркази янгидан қурилди, – деди А.Ходжаев.

– 2025 йилда болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган яна 50 номда янги асарлар яратилади. Бундан ташқари, бевосита Агентлик ташаббуси билан “Буюклар болалиги” номли ижтимоий буюртмалар лойиҳаси таъсис этилиб, унда юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар, мутафаккир ва адиблар, шоирларнинг болалиги ҳамда уларнинг шахс сифатидаги фазилятларини очиб берувчи янги бадиий асарларга буюртма берилди. Шу кунга қадар мазкур лойиҳа

асосида 15 дан ортиқ асарлар яратилди, – деди АОКА раҳбари ўз сўзида.

Ҳафталик доирасида республика бўйича 1000 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар, шунингдек, Тошкент шаҳридаги “Dream park” истироҳат боғида ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларидаги маданият ва истироҳат боғларида, шунингдек, туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларида “Ноширдан китобхонга” тамойили асосида китоб савдо-ярмаркалари ўтказилади.

Бундан ташқари, шу йил 25-26 апрель кунлари Ёзувчилар уюшмасининг “Паркент ижод уйи”да ташкил этиладиган ноширлар ва муаллифлар учрашувида болалар ва ўсмирлар адабиётини ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилиниши режалаштирилганлиги алоҳида таъкидланди.

Китобхонлик ҳафталиги 21 апрелдан 27 апрелга қадар давом этиши белгиланган. Унинг доирасида юртимиз бўйлаб китоб тақдимотлари, китоб ярмаркалари ва турли адабий кечалар ўтказилмоқда.

Хусусан, 22 апрель куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Маърифатга жонини тикканлар” мавзусида давра суҳбати ва Станислава Вайнейкененнинг ўзбек тилига таржима қилинган ва юртимизда чоп этилган “Палангалик қочқин аёл хотиралари” китобининг тақдироти бўлиб ўтди.

7-6

НУҚТАИ НАЗАР

КЕЛАЖАК УЧУН МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Ёшлар — мамлакат келажаги ва эртаминг эгаларидир. Тиббиёт соҳасини танлаган ёшлар эса мамлакат аҳолисининг саломатлиги учун масъулиятни зиммасига ололадиган бўлажак шифокорлардир. Тиббиёт олий таълим муассасалари эса соҳанинг етук мутахассисларини етиштириб чиқарувчи муҳим даргоҳлардан ҳисобланади.

Андижон давлат тиббиёт институти ҳам 70 йилдан буён нафақат республика, балки халқаро миқёсда ҳам шифокорларни етиштириб беришда етакчилик қилмоқда. Ҳозирга қадар институт битирувчилари орасидан юқори марраларни забт этган, дунё миқёсида таниқли бўлган шифокорлар қўлчилигини ташкил этади.

Йиллар давомида институт ҳар тарафлама ўсиш ва ривожланиш йўллари босиб ўтди.

Жорий йилнинг 15-16 апрель кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятимизга ташрифи давомида тиббиётда Андижон брени яратиш бўйича барча имкониятлар борлигини таъкидлади.

Таъкидлаш жоиз, ўтган йили 650 ўринли клиника Андижон давлат тиббиёт институти балансига ўтказилиб, уни таъмирлаш ва жиҳозлашга 180 миллиард сўм берилди. Бу 11 минг талабага бир вақтнинг ўзида ҳам ўқиш, ҳам амалиёт ўташ имконини беради.

Институтимиздаги симуляцион марказда тиббиёт ходимлари маълумоти 2 босқичда баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, клиника ёнига травматология, педиатрия ва жарроҳлик, гинекология бўлимини қуриб, кластерга айлантириш ташаббуслари қўллаб-қувватланди. Институт клиникасида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларини яқунлашни жадаллаштириш ва жиҳозлаш учун 100 миллиард сўм ссуда ажратилиши белгиланди.

2-6

ТААССУФ




БУХОРОДА МАТБУОТ ЎГАЙМИ?

Ғурур билан айта оламизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва сўз эркинлигига эътибори жуда баланд. Шу боисдан, мамлакатимизда очиқлик сиёсати устувор. Бутун дунё афкор-оммаси Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, эркинликларни эътироф этаётгани бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари ҳамisha журналистларни қўллаб-қувватлаб, “Биз энди ҳеч қачон очиқлик сиёсатидан воз кечмаймиз”, демоқда.

Аммо минг афсуски, маҳаллий амалдорларнинг эйримлари матбуот соҳасига эътиборсиз бўлаётгани ҳам сир эмас. Хусусан, бугун Бухорода босма нашрларга бўлган муносабат ҳавас қиладиган аҳволда эмас.

3-6

“ЎТКАН КУНЛАР” — ҚИРҒИЗ ТИЛИДА



“...Қайсидир ажнабий ёзувчи: “Мен ўзбек адабиётидан бирон асарни ўз она тилимга таржима қилмоқчиман, нима маслаҳат берасиз?” деб сўрайдиган бўлса, ҳаммамиз аввало “Ўткан кунлар”ни ўғиринг, деб тавсия қиламиз, ўша халқ китобхони шуни ўқиса-ю, бизнинг кимлигимизни, қандай эл эканлигини билиб олса экан, деймиз...”

8-6

ИФТИХОР

БОБУР ШАҲРИ ВАСФИДА

Ҳар ишнинг ўз вақт-соати, даври бор, Бу дунёда энди Бобур шаҳри бор.

Бобур, яъни Заҳридин Муҳаммад, Энг олий шон – она юртга муҳаббат.

Яхши-ёмон кечган ҳар ишдан огоҳ, Шаҳрингизга хуш келибсиз, Бобуршоҳ!

Сизни буюк мусофир деб айтганлар, Ортингиздан қолмиш айтиб “аттанг”лар.

Андижонни анда жонга тор этган, Ўз юртида ўз юртига зор этган.

Салтанатнинг тўнин кийган – шод ўлмас, Бунда ором, бунда ҳаловат бўлмас.

Темурийлар сулоласин қўл қарси, Сиз энг ёвқур, Сиз энг кенжа йўлбарси.

Умрингизнинг ҳар они, ҳар дамида – Юргандирсиз кескир қилич дамида.

Не деб қутлар эди Умаршайх Мирзо? Ота ризо, демек, Худо ҳам ризо.

Ўз уйингиз, ўз сувингиз, наҳрингиз, Олампахо, қутлуг бўлсин шаҳрингиз!

Даҳри дуннинг бағрин доим тош кўрдим, Кўзингизда гилтиллаган ёш кўрдим.

Бу гапларни мен айтмадим атайин, Аввал айтган ташбеҳимга қайтайин:

Юз ох, Бобур, юз ох, Бобур, ох Бобур, Подшоҳлар ҳам йиғларкан-да, воҳ Бобур!

Ярми Ҳинду, ярим кўнгли Афғонда, Бутун умри кечмиш дарду армонда.

Тескаридан ўқилса: Бобур – рубоБ, Бу рубобнинг чалган куйи ранж, азоб...

Бугун Сизни қутлар аҳли Андижон, Янги замон қурганларга шараф-шон!

Кўкка қараб қатор-қатор чўзмиш бўй, Янги уйда қутлуг байрам, янги тўй.

Мактаб борар ораста ҳам озода, Ҳар ўғил-қиз хонзода ҳам шахзода.

Комрон билан Ҳумоюнни чорлангиз, Навкарларни кўш ёндан қаторлангиз.

Беш юз йиллар кечмиш, сезгум баногоҳ, Шаҳрингизга хуш келдингиз, Бобуршоҳ!

Ҳар косиб, ҳар деҳқон, ҳар чўпонгача, Хўжандан то Испону Ёпонгача –

Бу хушбабар алқаб давру замонни, Овозаси тутди рўйи жаҳонни.

Андижоннинг Аэропорти кўп кўркам, Ҳавасларим келар боқиб, жон ўлкам.

Ярқираган “Боинг”ларга бандаргоҳ – Шаҳрингизга хуш келдингиз, Бобуршоҳ!

“Бобурнома” айна обу тобида, Бу бир мангу емирилмас обида.

Худди шундай бунёд бўлмиш устувор, Демак, давлат пойдор, Ватан ҳам пойдор.

Ҳали бунда тўшалгай пўлат излар, Чин-Мочиндан келар ҳали поездлар.

Оламда бор йўллар равон бўлгуси, Бутун дунё дорилармон бўлгуси.

Насим эсса ижодкорлар боғидан – Асар қолмас дарду ҳижрон доғидан.

Худойимнинг Ўзи аввал мададкор, Элу юртнинг эгаси Бош бунёдкор.

Иншооллох, адаб шаҳри бўлғайдир, Илму ирфон, мактаб шаҳри бўлғайдир.

“Боғи Беҳишт” каби об-ҳаволари, Ўсгай бунда келажак даҳолари.

Бир шаҳарким, бағри очик, қадрдон, Бино бўлмиш инсон меҳру қадридан.

Бу эъзозлар, бу олий эҳтиромлар, Келажак минг йилларгадир саломлар.

Обод Ватан осмонлардан тушмайди – Ватан бедор Раҳнамога ўхшайди.

Тарих гувоҳ, замон гувоҳ, эл гувоҳ – Бизнинг улуг ишлардан олам огоҳ.

Юз минг орзу-умидларнинг бағридир, Бу матонат ва шижоат шаҳридир.

Сирожддин САЙИДИ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон халқ шоири

КЕЛАЖАК УЧУН МУҲИМ ҚАДАМЛАР

1-6

Симуляцир марказда синовдан ўтган тиббий ходимларга қўшимча 100 фоиз устама бериладиган бўлди.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбари ҳозир 2 минг нафар наманганлик ёшлар Андижонга қатнаб ўқиётганини ҳисобга олиб, Наманган давлат университетидидаги тиббиёт факультети Андижон тиббиёт институти филиалига айланиши, бу филиал кейинчалик мустақил олий ўқув юрти даражасига олиб чиқирилиши, Андижон тиббиёт институтига эса университет мақоми берилишини айтиб ўтди. Бу эса, албатта, институтимизнинг фидойи, жонқуяр жамоасига билдирилган юксак ишонч деб биламан. Бу ишончнинг оқлаш учун янада куч-ғайрат ҳамда шижоат билан ҳаракат қиламиз.

Институтимизда хориждан келиб таҳсил олаётган талабалар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда улар 1000 нафардан зиёд.

Шуни инобатга олган ҳолда Президентимиз Қирғизистон, Тожикистон, Хитой ва Ҳиндистондан келиб ўқимокчи бўлганларни ҳисобга, вилоятда тиббий таълим экспортини йилга 20 миллион доллардан ошириш мумкинлигини таъкидлади. Мутасаддиларга хориждан келиб ўқиётган талабалар учун "талаба визаси" жорий қилиш бўйича бир ойда тақлим қиритиш топширилди. Бу ҳам, албатта, институтимизга хориждан келиб ўқиш истагини билдирган ёшларга янада қулайлик яратди.

Институтимиз клиникасида фаолият юритувчи 150 нафар ёш мутахассис дунёнинг ривожланган мамлакатларига бориб, малакасини ошириб қайтди. Улар клиникада мустақил равишда юқори технологияли даволаш муолажаларини амалга ошириш тажрибасига эга. Бу, албатта, тиббий туризмни ривожлантиришга ҳам туртки беради. Айни бу борада тиббий туризм соҳасидан 1 миллион 200 минг долларлик маблағ тушириш режамиз бор.

Бундан ташқари, клиникада барча турдаги операциялар бажарилган. Қўшимча 4 та бўлим қурилиб, қойкалар сони 850 тага етказилди. Бу амалга оширилаётган ишлар беморларнинг қулай шaroитларда сифатли тиббий хизматдан фойдаланишлари, талабаларнинг назарий олган билимларини амалиёт билан тенг олиб боришлари учун енг имкон бергани ҳолда, дуал таълимнинг қирин андозаси сифатида намоён бўлади.

Ҳозирда 20 нафар беморда буйрак трансплантацияси жарроҳлиги ўз мутахассисларимиз томонидан амалга оширилди. Клиникамиз фойдаланишга топширилгандан сўнг, шифокорларимиз республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази мутахассислари билан ҳамкорликда жигар трансплантацияси жарроҳлигини ўтказди. Америка Қўшма Штатларининг дунё рейтингига топ-100 талиқдан 3-ўринни эгаллаб турган Кливленд клиникаси мутахассислари 1 йил давомида клиникамизда бўлиб, юрак-кандом операцияларини йўлга қўйиб, жараёнларга институтимиз мутахассисларини жалб этган ҳолда маҳорат дарсларини ўтказиши режалаштирилган.

Бугунги кунда Андижон давлат тиббиёт институти хорижнинг етук тиббиёт олий таълим муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорлигини йўлга қўйган. Йилдан-йилга алоқалар доираси кенгайиб бормоқда.

Андижон давлат тиббиёт институти ҳозирга қадар 60 дан ортиқ хорижий тиббиёт университети, институтлари қошидаги клиникалар билан ҳамкорлик ўрнатган (Италия, Ҳиндистон, Португалия, Россия, Словакия, Украина, Жанубий Корея, Хитой, Германия, Беларусь, Польша, Ливия, Туркия, Малайзия, Покистон, Қозғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва ҳоказо). Ҳозирда жами 105 та халқаро шартномамиз мавжуд.

Институтимиз дунёнинг қатор ривожланган давлатларидаги нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳам ҳамкорлигини йўлга қўйган. Айниқса, Россия Федерациясидаги тиббиёт олий ўқув юртлари, тиббиёт илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлигимиз янги босқичга кўтарилди. Айни кунда институт Россия Федерацияси Приволжский номидаги тиббий тадқиқот уни-

верситети билан стоматология (юз-жағ жарроҳлиги), клиник ординатура (1+1) йўналишида, Доғистон давлат тиббиёт университети билан стоматология бакалаврият таълими (3+2) йўналишида, шунингдек, Қозон федерал университети, И.П.Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети, Санкт-Петербургдаги И.И.Мечников номили шимоли-ғарбий давлат тиббиёт университети, В.А.Алмазов номидаги миллий тиббий тадқиқот маркази билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Жумладан, ана шу ҳамкорлик доирасида 2019 йилда Доғистон давлат тиббиёт университети билан стоматология йўналиши бўйича бакалаврият таълими йўналишида ташкил этилган 3+2 қўшма таълим дастури доирасида бугунги кунда 47 нафар талаба таҳсил олмақда.

Институт профессор-ўқитувчилари, мутахассисларининг Россия Федерацияси олий ўқув юртлари, тиббиёт марказларида тажриба ва малакасини ошириш борасида ҳам эътиборга молик ишлар бажарилмоқда. Хусусан, 2023-2024 йилларда 45 нафар институт ўқитувчи-мутахассиси Россия давлатида малака ошириб қайтди.

Шу билан бирга, Германия давлатининг қатор нуфузли олий таълим муассасалари ҳамда институтимиз ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

2024 йилнинг июнь ойи аввалида бир гуруҳ делегация аъзолари билан биргаликда Германия Республикасида хизмат сафарига бўлиб қайтдик. Унда Росток университетиди ректори, профессор Элизабет Проммер, тиббиёт факультети декани, профессор Краузе ва бўлим бошлиқлари билан учрашув ўтказилди. Дўстона руҳда ўтган учрашувда икки олий таълим муассасаси ўртасида илм-фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, қўшма илмий фаолият, илмий-тадқиқот ишлари, докторантурани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Тиббий ёрдам, диагностика ва даволашни ривожлантиришга инновацион ёндашувлар, инновацион радиологияни, хусусан, урологик онкология, клиник радиология соҳаларида мутахассислар тайёрлашни ривожлантириш, Росток университети клиникаларида малака оширишни жорий этиш юзасидан келишувга эришилди.

Росток университети клиникаси радиология бўлими раҳбарияти билан ўтказилган учрашувда эса янги инновацион йўналишларни жорий этиш бўйича ҳамкорликда иш олиб бориш масаласи муҳокама қилинди. Унга кўра, клиникага онкологик касалликларни ташхислаш ва даволашнинг янги замонавий усуллари жорий этиш, икки босқичли жараёндан иборат бўлган Андижон давлат тиббиёт институти ходимларининг (рентгенологларнинг) малакасини ошириш, диагностика — МРТ, МСКТ соҳасидаги касбий билимларини ошириш, ПЕТ диагностикасини жорий этиш ва ўзлаштириш бўйича фикр алмашилди. Шунингдек, онкоурология соҳасида замонавий даволаш усуллари ишлаб чиқиш, Росток университети касалхонасининг ютуқлари асосида саратон касалликларини даволашда замонавий инновацион мақсадли терапияни ишлаб чиқиш ва жорий

этиш, саратон билан касалланган беморларни самарали даволаш учун замонавий фармацевтик препаратлардан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқиш муҳокама қилинди ва иккала томон ҳам ушбу соҳаларни ривожлантиришга келишиб олишди.

Мазкур сафар доирасида Берлин шаҳридаги Хелиос клиникаси ва Андижон давлат тиббиёт институти ўртасида мутахассисларнинг Клиник онкология ва радиология бўйича малака ошириш, янги технологияларни ўзлаштириш йўналишида ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олинди.

Берлин университети Тиббиёт факультетининг ички касалликлар, пульмонология ва сомнология кафедраси мудири, профессор Инго Фитсе билан илмий ва академик соҳадаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Талабалар, магистрлар ва клиник ординаторлар учун масофавий маърузалар ўтказиш, академик ва талабалар алмашинуви мавзулари кўриб чиқилди. Клиник тадқиқотлар, малака ошириш, мураккаб операцияларни ўтказиш, ўпка ва простата беи онкологиясининг замонавий диагностикаси ва мақсадли даволаш усуллари жорий этиш учун Андижон давлат тиббиёт институти клиник базасига германиялик мутахассисларни жалб этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган келишиб олинди.

2023 йилда Андижон давлат тиббиёт институтида Корея миллий транспорт университети билан ҳамкорликдаги Халқаро қўшма таълим дастури факультети "Парамедицина" йўналиши фаолияти йўлга қўйилган. Ҳозирда ушбу йўналишда 1-2-босқичда 16 нафар талаба таҳсил олмақда.

2024 йилнинг ноябрь ойида Жанубий Кореяда хизмат сафарига бўлиб қайтдик. Унда Жанубий Корея миллий транспорт университетининг Донгдэамун-гу шаҳридаги ўқув биноларидан бирида, Чезу Халла университети, Даэгу шаҳридаги Кеимюнг университетида бўлиб, қатор учрашувлар ўтказдик. Мазкур учрашувлар давомида олий таълим муассасаларимиз ўртасида парамедицина йўналиши бўйича қўшма таълим дастурининг кейинги босқичларини йўлга қўйиш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди ҳамда келгусида амалга оширилаётган илмий алоқалар, академик мобиллик ва талабалар алмашинуви, малака ошириш каби масалалар муҳокама қилинди ҳамда қатор келишувларга эришилди.

Сафар давомида делегация аъзолари "Smart city" маркази фаолияти, Корея СЖ ташкилотига ҳамда Донгдэамун-гу халқаро аэропортида ўтказилган турли фавқуллода вазиятларда парамедицинани жароҳатланганларга бирамчи ёрдам кўрсатиши — юрак ва ўпка реанимацияси, жароҳат боғловлари ва амбулаторияга эвакуация қилиш машғулотида иштирок этдик.

Жорий йилда институтимизнинг парамедицина йўналиши қўшма таълим дастури талабалари талаба алмашинуви доирасида Жанубий Кореянинг миллий транспорт университетида ўқув жараёнларини ўтказиб қайтди.

2023 йилнинг сентябрь ойида ўтказилган Ўзбекистон — АҚШ соғлиқни сақлаш ҳафталиги доирасида "Uzbek American Medical Association" (Ўзбек-Америка тиббиёт ассоциа-

цияси) билан, Американинг Питтсбург университети, "CyberPatient" компанияси раҳбари билан қатор учрашувлар ўтказилиб, ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Шунингдек, ушбу келишувлар асосида бугунги кунда амалий ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, Америка Қўшма Штатларининг Миллий университети ("National University") профессорлари институтимизга келиб, ўқитувчилар ва талабаларга маҳорат дарслари ўтказди. Улар билан ҳамкорлиқни янги босқичга кўтариш юзасидан келишувларга эришдик. Институтимизнинг кўплаб мутахассислари АҚШда малака ошириб, ўз билимларини бойитиб келмоқда.

Госпиталь педиатрия кафедраси мудири Маърифат Ганиева АҚШнинг "Rosalin Franklin" тиббиёт ва фан университетида ("Rosalind Franklin University of Medicine and Science") "Болалардаги юқумли касалликлар ва болалар иммунологияси" йўналишларида малака ошириш дастурларида иштирок этиб қайтди.

Институт магистранти Жаҳоҳир Маҳаматжонов АҚШдаги "University Hospital of Brooklyn" шифохонасида магистрик илмий иши юзасидан илмий амалиёт ўтаб, билимларини янада бойитиб келди.

Бошқа хорижий олий таълим муассасалари ва клиникалар билан ҳам мазкур масалалар доирасида ҳамкорлиқни амалга ошириб келмоқдамиз.

Шу билан бирга институтнинг моддий-техник базасига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Боиси, етук малакали кадрларни тайёрлашда қулай муҳит, назария ва амалиётнинг уйғунлиги муҳим.

Институтимиз талабалари сонининг кескин ортиб кетганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 июндаги "Янги Андижон" шаҳарчасини барпо этиш ва Андижон вилоятида табдиркорлиқни янада кўплаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қў-5154-сон қарорига асосан институт клиникаси ҳудудидида 2 гектар ер майдонида институтнинг 2000 ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Бино 7 қаватдан иборат бўлиб, ҳар бир қаватда 28 та хона мавжуд. Барча ўқув хоналари интерактив доскалар ва замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Ўқув биносида умумий 12 та маъруза зали мавжуд. Бинонинг 2-қаватида жаҳон стандартларига мос катта имкониятларга эга симуляция маркази жойлашган. 3-қават стоматология йўналишлари учун мўлжалланган бўлиб, энг замонавий стоматологик асбоб-ускуналар ва технологиялар билан жиҳозланган. Бинодан, асосан, клиник кафедралар ўрин олган. Институт клиникаси ва мазкур ўқув биноси ўртасида телемедицина тизими йўлга қўйилган.

Унда клиниканинг жарроҳлик бўлимларида амалга оширилган операциялар тўғридан-тўғри ўқув хоналарига трансляция қилинади. Талабалар ушбу жараёнда шифокорга ўз саволларини бериш ва унга шу пайтнинг ўзида жавоб олиш имкониятига эга бўлади.

Бинонинг 5-қаватида 420 ўринли фаоллар зали ўрин олган. Гардероб, 400 ўринли ошхона профессор-ўқитувчилар ва талабаларга



қулайлик яратиш мақсадида шай ҳолатга келтирилди.

Шунингдек, институтнинг Марказий илмий-текшириш лабораторияси ҳам қуриб битказилди. Ушбу бино 4 қаватдан иборат бўлиб, 400 ўринга мўлжалланган. Бинода 30 та ўқув хонаси, 21 та лаборатория хонаси, 1 та маъруза зали, 28 та кафедра мудири ва ёрдамчи хоналари мавжуд. 1 қаватли виварий бинолари, ташқи ёрдамчи бино ва иншоотларида қуриш ишлари яқунланиш арасида.

Тиббиёт олий ўқув юртимиз 2024 йилда қатор ютуқларга эришди ва бу институтимизнинг 70 йиллигига муносиб тўхфа бўлди.

Дунё университетларининг халқаро рейтингини — "Ul Green Metric World University Ranking" (Яшил университетларнинг глобал рейтингини)да Андижон давлат тиббиёт институти ҳам эътироф этилди ва сертификат билан тақдирланди.

Андижон давлат тиббиёт институтининг даволаш иши (ўзбек, рус ва инглиз тилида), стоматология факультетлари таълим дастурлари Қозғистон Республикасининг "ЕСАQA" ("Eurasian Centre for Accreditation and Quality Assurance in Higher Education and Health Care") маркази томонидан халқаро аккредитациядан ўтказилди.

Буларнинг барчаси институтимиз профессор-ўқитувчиларининг ҳамжиҳатлиқдаги самарали меҳнатларининг, фидокорликларининг натижасидир.

Илмий фаолиятда ҳам ютуқларимиз талайгина. Биргина 2024 йил мисолида айтганда, институтимизнинг 4 нафар профессор-ўқитувчиси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони, 4 нафари ташақкурнома, 7 нафари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг "Олий таълим аълочиси" кўкрак нишони, 1 нафари вазир фахрий ёрлиғи, институт профессор-ўқитувчиларининг 40 нафари вилоят ҳокими фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Травматология, ортопедия ва нейро-жарроҳлик кафедраси мудири Худайбердиев Қобил Турсунович II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланди, "Йилнинг энг яхши шифокори" танловининг республика босқичида "Йилнинг энг яхши нейрохирурги" номинацияси бўйича 1-ўринни эгаллади.

"Корея Халқаро ихтирочи аёллар кўргазмаси "KIVE" — 2024"да Корея ихтирочи аёллари ассоциацияси томонидан Госпиталь педиатрия кафедраси доценти Хурматой Камчиевна Хан-келдиева олтин медаль билан тақдирланди.

Бугунги кунда институтимизда 950 нафар ўқитувчи фаолият юритади. Улардан 60 нафари фан доктори, профессорлар, 256 нафари фан номзоди, доцентлардир.

Вилоятнинг 160 та бирламчи тизим даволаш муассасаларига амалий ёрдам бериш мақсадида 132 нафар профессор-ўқитувчи масъул этиб бириктирилди. Улар томонидан мунтазам равишда беморлар текшируви ва замонавий стандартлар амалиётга киритилди.

Жорий йилнинг 14 февраль куни Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ёшлари билан ўтказган муроқотда битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эди. Бу борада институтимизнинг жорий ўқув йилидаги 2297 нафар битирувчисидан 800 нафардан зиёди бугунги кун ҳолатига кўра, иш билан таъминланган. Халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишга шай, масъулиятли шифокорларни тарбиялаш бизнинг бош мақсади-миз ва муҳим вазифамиздир.

Мадамин МАДАЗИМОВ,
Андижон давлат тиббиёт
институти ректори,
профессор.

ФАОЛИЯТ

СУДЛАР МУСТАҚИЛ ВА АДОЛАТЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТСИН

Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Судлар фаолиятини моддий таъминлаш Департаменти ташкил этилган эди.

Олий суд ҳузуридаги Департаментнинг асосий вазифалари эса қуйидагилар этиб белгиланган:

— судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича ишни ташкил этиш, шунингдек, уни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш;

— суд биноларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг самарали сарфланишини таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

— судьялар ва суд аппарати ходимларининг меҳнат шaroитларини, моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ва бошқа муҳим вазифалар ижросини таъминлашдан иборат.

Бугунги кунда Департамент томонидан умумий юрисдикция судларининг иш фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилиши ҳамда уларни моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина пойтахт судлари мисолида олсак, Тошкент шаҳрида 23 та суд фаолият олиб боради. Жумладан, Тошкент шаҳар суди (жиноят, фуқаролик, иқтисодий судлов ҳайъатлари), Тошкент шаҳар маъмурий ҳамада туманлараро судлари, Ўзбекистон Рес-

публикаси ҳамда Тошкент ҳарбий судлари, 12 та туман жиноят судлари, 5 та туманлараро фуқаролик судлари, 1 та туманлараро иқтисодий суди мавжуд.

Судлар фаолиятини таъминлаш Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан умумий юрисдикция судларининг иш фаолиятида зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича давлат бюджетидан ҳамда Суд ҳокимиятини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан жорий йилнинг биринчи чорагида муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, умумий юрисдикция судларида фаолият юритаётган судья ва суд ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар вақтида тўлаб келинмоқда.

Ҳар хил турдаги асосий воситалар, инвентарлар, товар-моддий захиралар ҳамда ҳўжалик харажатлар учун эса жами 2 727 302,0 минг сўмлик харидлар амалга оширилиб, мавжуд эҳтиёжлар асосида таъминлаб берилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 27 февраль куни судлар фаолиятини янада яхшилаш, очиклик ва рақамлаштириш даражасини оши-

риш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижроси бўйича суд биноларининг фаолият йўналиши ва шаҳаросозлик нормаларига мослигини ўрганиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳ иштирокида ҳар бир суд биноси хатловдан ўтказилди.

Унга кўра, ишчи гуруҳ хулосаларидан келиб чиқиб, Тошкент шаҳрида 8 та суд идорасига янги замонавий бинолар қуриш, 3 та суд биносини реконструкция қилиш ва 5 та суд биносини капитал таъмирлаш юзасидан тақлифлар берилиб, ушбу лойиҳаларнинг тегишли давлат дастурига киритилиши ҳамда маблағ ажратилиши бўйича зарур чоралар қўрилмоқда.

Бу ишларнинг амалга оширилишидан кўзланган асосий мақсад умумий юрисдикция судлари томонидан одил судловнинг амалга оширилишида суд ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиш, хусусан, судга ташриф буюрувчи фуқароларга қулайликлар яратиш — энг муҳим вазифа.

Ғайрат САЛОҲИДДИНОВ,
Судлар фаолиятини моддий таъминлаш
департаменти
Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими
бошлиғи.



ДОСТОЕВСКИЙ УЙ ҚУРИБ БЕРГАН АДИБ

Кунларнинг бирида қамашилик адиб Темирпўлат Тиллаев дабдурустан деди:
— Биласизми, мен Достоевскийдан қарздорман, ўша буюк инсон менга катта ёрдам берган.

— Қанақа ёрдам? — қизиқиб сўрадим.
— Фёдор бобо менга уй қуриб берган, — деди укамиз жилмайиб.

Мен ҳайрон бўлдим. Ахир у айтаётган ўрис ёзувчи аллақачон оламдан ўтиб кетган бўлса...

Менинг ҳайрон қолганимни кўрган суҳбатдошим қулди ва охишта сўзлай бошлади:

— Аслида, мени адабиёт оламига етаклаган учта одам бўлган. Биринчиси пахта бригадасида ишлайдиган Неъмат ака, иккинчиси Чингиз Айтматов ва учинчиси Фёдор Достоевский.

...Ўшанда еттинчи синфда ўқирдим...

Кунларнинг бирида Неъмат ака уйимизга келиб мендан сўради:

— Хўш, оғайни, ўқишларинг яхшими, айт-чи, қандай китобларни ўқияпсан?

Мен ҳалқ достонларини “битта қолдирмай” ўқиганимни айтиб, “мақтанган” бўлдим.

— Яхши, яхши... Айт-чи, Чингиз Айтматов деган ёзувчини эшитганимсан?

— Йўқ...

— Аттанг, аттанг, — деди Неъмат ака бошини сарак-сарак қилиб, — майли, ҳали ҳам кеч эмас, бўлмаса, мана бу китоб сенга, — дея қўйнидан қора муқовали китобни чиқариб менга узатди. — Ҳеч кимга бермасдан, фақат ўзинг ўқи...

Меҳмон кетган, китобни ўқишга киришдим...

Бу машҳур кирғиз ёзувчисини дунёга танитган “Жамила” қиссаси эди.

Китобни эртасига ўқиб тугатдим ва ғалати ҳолга тушдим. Асардаги воқеалар худди ўзимизнинг ёнаторфимизда содир бўлгандек туйюлди менга. Мен китобни қайта ва қайта яна ўқиб чиқдим ва машҳур француз адаби Луи Арагоннинг: “...Вьен, Гюго ва Бодлерлар маскани бўлган Парижда, қироллар ва инқилоблар маскани бўлган Парижда, ҳар бир тоши бирор тарих ёки афсонадан шаҳодат берадиган кўп асрлик рассомлар маскани Парижда, бошидан кўп савдопарни кечирган, кўп нарсаларни кўрган ва билган шу Парижда “Жамила”ни ўқидим-у, ногаҳон “Вертер” ҳам, “Бероника” ҳам, “Антоний ва Клеопатра” ҳам, “Манон Леско” ҳам, “Севги тарбияси” ҳам, “Доминика” ҳам — ҳамма-ҳаммаси кўзимга илинмай қолди. Ромео ва Жюльетта ҳам, Паоло ва Франческа ҳам, Эрнани ва Доля Сол ҳам кўзимга илинмай қолди...

Чунки мен энг тоза туйғуларни ўзимга сингдира бошладим. Чунки мен машҳур гўзал севги қиссаси — “Жамила”ни ўқиган эдим”, деган таърифини, тўғриси, мен у пайтларда билмасдим.

Лекин кейинчалик улуғ фаранг ёзувчисининг бу ҳаққоний эътирофини ўқиганимда, ҳафта ва ойлар давомида бу куйма фикрлар таъсирида юрганимни ҳозир ҳам бот-бот эслайман.

Йиллар ўтиб, Чингиз Айтматовнинг деярли барча китобларини топиб мутлоаа қилдим. Ўқиганларим таъсирида алланималарни ёзар, лекин ёзганларимни бировларга кўрсатишга уялардим.

Мақтабни тугатиб, Қарши давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирдим. Ўғил, жамоатчи талаба бўлдим. Оилада ёлғиз бўлганим учунми, шовқин-суронни унчалик ҳушламасдим, гарчи ётоқхонадан жой беришган бўлса ҳам, беш йил Нина деган рус аёлининг уйида ижарада турдим. Ҳеч ким ҳалал бермаганидан бўлса керак, овунчим, ўқиганим китоб бўлди.

Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида Фёдор Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” романи илк бор Иброҳим Ғафуров томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Мен романни ўқиб, бетакрор истеъдод соҳиби асарларининг ашаддий мухлисига айлангандим ва ўзим учун янги дунёни кашф этдим.

Қишлоқдаги мактабда ишлаб юрган кезларимда Қарши шаҳрида яшовчи адиб Самар Нуровнинг хонадонига ҳажвчи Турсунбой Боймиров билан тез-тез бориб турардик.

Гурунгимиз айланиб, албатта, Достоевскийга келиб қолар, чунки Самар ака ҳам бу ёзувчини айрича бир муҳаббат билан тилга оларди.

Бир куни Самар ака Достоевский ижодидаги психонализ услубининг мураккаблиги ҳақида гапирар экан, ёзувчини: “У дунё адабиётининг Эйнштейни!” — деди.

Мен устознинг гапини давом эттирдим:

— Устоз, Достоевский беназир сўз санъаткори



ҳам. Мана бир мисол: Мармеладов билан Раскольниковнинг биринчи учрашувини шундай тасвирлаганки, мен шу саҳифаларни ўқитганимда насронийларнинг “Инжил”даги оҳангларини эшитгандай бўлман!

Самар ака менга беихтиёр ажабланиб боқди ва дилидаги иштибоҳ тилига кучди:

— Йўғайи?!

Устознинг бу ажабланишидан ҳаволиниб, романнинг шу саҳнасини ёддан ўқий бошладим:

— “Қайғу, қайғу изладим мен унинг тагидан, ҳасрат ва кўз ёшлари изладим, тотиндим ва топдим; бизни эса барчани раҳмдил назари билан кузатувчи ва барчани ва ҳамда барча нарсани англаувчи Раҳмон ўз раҳматидан баҳраманд этажақдир; ёлғиз унинг Ўзи ҳакам ва ҳукм қилувчидир”.

Самар ака узоқ уйга толди. Орага гўзал бир жимлик чўқди. Ҳаммамиз улуғ ёзувчининг эмас, Сўзнинг улуғвор қудратидан ҳаяжонда эдик...

— Ҳа, дунё Сўздан яралгани рост! — деди Самар ака сокинликини бузиб.

Орадан олти ойлар ўтиб, Турсунбой ака билан яна Самар аканикига бордик.

Ўшанда Самар аканинг менга айтган бир гапи ҳеч ёдимдан чиқмади.

— Темирпўлат, сизлар кетган, Иброҳимжон таржима қилган “Жиноят ва жазо”ни топтириб, қайта ўқиб чиқдим. Ўўў, Достоевскийни қайта кашф этдим... У ёзувчи эмас, авлиё, сеҳргар, мутафаккир, буюк башоратгўй экан!

Мен унинг йигирма томлигини рус тилида ўқиганман. Ўқиганман-у, дунё адабиётининг ҳайбатли бир ёзувчиси сифатида англаганман.

Лекин Иброҳим Ғафуров уни шунчалар маҳорат ва ҳарорат билан ўтирганки, буни ҳасратларга тўла мунгли қўшиқ дейсан. Бундай асарларни ўз она тилингда албатта ўқиш керак экан, деган ҳулосага келдим. Она тилининг жозибаси, гўзаллиги, кучи, қудрати — она сути, она меҳри билан танга ўрнашар экан-да!..

Устоз Самар аканинг бу эътирофи ҳақида ҳали-ҳамон кўп уйлайман...

Бир куни танишларимдан бири ғалати гапни айтди. Шу Достоевскийнинг асарлари номлари ҳам одамни титроққа солиб, қўрқув, ваҳима уюғотади. Ишонмайсизми, мана қаранг: “Ўлик хонадондан мактублар”, “Телба”, “Жинлар”, “Жиноят ва жазо”, “Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар”, “Қиморбоз”. Ёзувчининг китобларини ўқиш жуда оғир, одамни эзиб, эзгилаб ташлайди. Менимча, бунинг сабаби бундай даҳшатли воқеаларни ёзувчи ўзининг бошидан кечирган ва юракдан ҳис қилгани бўлса керак-ов... Ҳар қалай, бу гап ҳам буюк ёзувчининг муаззам адабий олами остонасидаги эътирофга лойиқ ҳадик ва хавотир. Лекин ана шу ҳадик ва хавотир адиб асарларини ўқиб, таҳлил қилиб, мулоҳаза ва мунозара этиб англанса, тугал ва мукаммал билимга айланади. Бу билим қизиқувчиларни сизнинг рўпарангизда тўплайди.

Ўқишни имтиёзли диплом билан битириб, ўзим ўқиган мактабга ишга кирдим. Ёш эдим, ўзимча катта даъволар билан юрардим. Кўнглимдаги ҳовурни бошиш учун мактабда “Замонавий суҳбат” номи адабиёт тўғраги оқдим. Билганим, ўқиганим ва ҳатто ўзимча ҳис қилганларимни ҳам ўқувчиларга айтар ва улардан ҳам қаттиққўллик билан кўп нарсаларни талаб қилардим.

Ўқувчиларимга Айтматов, Достоевский, Маркес, Камю, Ницше, Борхес, Кафка, Картасар, Акутагава, Абз асарлари ҳақида гапирганимда, болаларнинг кўзлари ёниб, ўзгача ҳайрат огушида мени тинглашарди.

Тўғарагимнинг овози тезда бутун қишлоққа тарқалди. Қўшни мактаблардан ҳам болалар кела бошлади.

Бир куни туманимиз ижодкорлари билан мактабимизда учрашув ўтказдик. Шунда денг, Насиба Каримова деган ўқувчим уларни ҳайратлантириб, шундай савол берди:

— Франц Кафканинг “Эврилиш” асарида инсон нима учун ҳашаротга айланиб қолади?

Меҳмонлар ҳайрон бўлиб қолишди. Чекка қишлоқ мактабидagi кичкинагина ўқувчи қиз, кимсан, Кафкадан гапириб ётибди, дейишган бўлса керак-да...

Даврада туйқус содир бўлган бу ноқулайлиқни қаламқашлардан бири юмор билан юмшатмоқчи бўлди:

— Бизлар Кафканиям, шапканиям билмаймиз, ўқиганимизам йўқ, буни устозларинг Темирпўлатдан сўрайсизлар! — деди.

Шунда Насиба дадил ўрнидан туриб, ўзининг саволига ўзи жавоб бера қолди:

— Чунки тирикчиликнинг, тузумнинг бемаъни ташвишлари Грегор Замзани ҳашаротга айлантиради!

Меҳнатларим ўзининг самарасини берди. Мактабда дунё адабиётининг ҳақиқий мухлислари пайдо бўлди. Улар Бахтиёр Ҳазратқулов, Тошбуви Эргашева, Замира Чориева, Насиба Жонузоқова, Наргис Очилова, Фазилат Нормуродова, Юлдуз Ҳакимова, Жўра Тиллаев, Акбар Жонузоқов, Фароғат Худойқулова, Юнус Бўронов ва бошқалар эди. Буни қаранг, йиллар ўтиб, бу шогирдларимнинг кўпчилиги адабиёт фани муаллими, баъзилари эса таниқли ижодкорлар бўлиб етишди.

Кунларнинг бирида эски уйимизни бузиб, янги иморат қилишга аҳд қилдим ва ёзда уйни буздим. Деворларни агдариб бўлгач, мени ваҳима босди. Чунки иморат тиклашдек машаққатли ишни бажариб кўрмаган эдим-да... Шунда, адабиёт тўғрагидаги Достоевский ижодининг ашаддий мухлисларига айланган шогирдларим, мен чақирмаган бўлсам ҳам, ёнимда туришди. Ҳашар давомида мен уларнинг сонсиз-саноқсиз саволларига жавоб берар, улар эса қўлларига кетмонни олиб лой қоришар, пахса девор уришарди. Ёшлар учун Достоевскийнинг ҳар бир асари ҳали очилмаган кутб эди. Мен эса барча билганларимни уларга беришга интилардим. Қолаверса, шу баҳона ўзим ҳам қайта-қайта улуғ даҳонинг китобларини ўқидим. Буни қаранг, тўрт ҳафта деганда иморатнинг девори тикланди. Мардикор-усталарга бериладиган ҳақ эса чўнтагимда қолди. Агар Фёдор бобо бўлмаганида, уйим бунчалик тез битмас эди. Камина эса тежалган пулга ўша замонда урф бўлган “Москвич” машинасини олгандим... Айтинг, бунинг учун кимдан миннатдор бўлиши керак эди? Албатта, улуғ адиб Достоевскийдан-да...

Келинг, энди сизни суҳбатдошим бўлган адиб Темирпўлат Тиллаев ва унинг ижоди билан озгина таништирайин. Унинг шу кунгача ёзган асарлари хув ўша мактабда ўқитувчилик қилган, тўғарак очган йилларда, яъни 1980-90 йиллар оралиғида ёзилган. Кейинги ўттиз беш йил давомида Темирпўлат Тиллаев пелонаси терлаб бирор нарса ёзмади. Аслида, бунинг ўзи алоҳида бир мавзу...

Хуллас, достоевскийшунос адбимиз қишлоғида ўқитувчилик қилган ўн йил ичида бешта қисса ва иккита роман ёзди.

Ана шу бешта қиссаси “Ворис”, “Паймони”, “Турналар охи”, “Басират туйи” ва “Ўлим ўпқони”, мамлакатимизнинг таниқли “Академнашр” нашриётида “Ўлим ўпқони” номи билан икки марта чоп этилган бўлса, “Адабиёт” нашриётида эса “Турналар охи” номи билан нашр этилди.

Шунингдек, ёзилганига ўттиз олти йил бўлган “Қуёш сояси” романи нашр этилиш арафасида. Бугун ижодкор битмай қолган “Дарвоза” номи романи устида ишламоқда.

Дарвоқе, бир пайтлар машҳур адиб Одил Ёкубов назарига тушиб, йигирма саккиз ёшида собиқ Иттифоқ ёзувчилар уюшмасига аъзоликка қабул қилинган ва асарлари ҳақида Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг “Шафқатсиз реализм билан ёзилган омонсиз воқеаларга дуч келдим” деган эътирофини олган адиб, бу йил баҳорда олтинчи беш ёшни қаршилайди.

Биз ижодкорга, аввало, узоқ умр ва жўшқин илҳом дақиқалари доимо ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

Ўрлобой ҚОБИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.



90 000 ФАЛАСТИНЛИК УЙСИЗ

Жорий йилнинг 18 мартидан буён Ғазода 1800 дан зиёд одам ҳалок бўлган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаластинлик қочқинлар бўйича агентлиги (“UNRWA”) маълум қилишича, гуманитар инкироз чуқурлашиб бораётган бир пайтда сектор бўйлаб 90000 дан кўп кўчирилганлар БМТ томонидан бошқариладиган 115 манзилда кун кечирмоқда.

— Бомбардимон ва қамал туйфали инсонпарварлик ёрдами кириб келиши тўхтагани учун вазият янада ёмонлашмоқда, — дейилган баёнотда.



ЯДРОСИЗ ВОДОРОД БОМБА СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

ХХР таркибида ядровий унсурлар бўлмаган водород бомбасини синовдан ўтказган. Бу ҳақда “South China Morning Post” нашри хабар тарқатган.

— Ўтган ой эълон қилинган ҳисоботга кўра, ҳеч қандай ядровий моддасиз икки килограммлик бомба портлатилди, — дейилган ҳисоботда. — Натижада бир неча сонияда 1000 даражадан юқори ҳароратда оловли шар ҳосил бўлди. Бу аини ҳолатда тротил портлагандагидан 15 баробар кучли.

Таъкидланишича, Хитой Миллий кemasозлик корпорацияси 705-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган мазкур қурилмада магний гидриднинг кимёвий бирикмасидан фойдаланилган.



БАЙДЕН НУТҚ СЎЗЛАШ ЭВАЗИГА ҚАНЧА ҲАҚ ОЛИШИ ОЧИҚЛАНДИ

АҚШнинг собиқ президенти Жо Байден тадбирларда нутқ сўзлаб бериш эвазига 300 минг доллар сўрамоқда. Бироқ уни таклиф қилмоқчи бўлганлар деярли йўқ. Бу ҳақда “New York Post” хабар берган.

Маълум қилинишича, Байденнинг сафдошлари унга омма олдиди кўринмаслиқни маслаҳат бермоқда. Бироқ у ўз нутқи орқали 300 минг доллар ишлаб олмоқчи. Бу сумма ўз вақтида 400 минг долларгача гонорар сўраган собиқ президент Барак Обаманикидан анча кам. Байден февраль ойидан бери “Creative Artists Agency” (CAA) рўйхатига киририлган. Мазкур рўйхатда Мик Жаггер, Гарри Стаулс ва Бритни Спирс каби машҳурлар ҳам бор.

Агар Байден нутқ сўзлаш учун қаергадир бориши керак бўлса, унда собиқ президентга хусусий самолёт ва беш нафар ходим учун харажатларни тўлаш керак бўлади. Бундай харажат сабабли Байденнинг нутқларига нисбатан талаб юқори эмас.



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА АСОСЛАНГАН МАХФИЙ ҚУРОЛ

Эрон армияси қуруқликдаги ҳарбий кучлари кўмондони, бригада генерали Кайумарс Ҳайдарий сўзларига кўра, мамлакат сунъий интеллект (“AI”) билан ишлайдиган махфий қуролни ишлаб чиққан. Бу ҳақда “Press TV” хабар берган.

Генералнинг таъкидлашича, арсенал мамлакат ичида ишлаб чиқилган ҳам махфий, ҳам “ута махфий” тизимларни ўз ичига олади. Унинг сўзларига кўра, бу технологиялар шу қадар ривожланганки, моҳиро юзага келганда душмanning “омон қолиш имконияти йўқ”.

Ҳарбий технологиядаги “AI” тизимларга маълумотларни мустақил равишда таҳлил қилиш, қарорлар қабул қилиш ва операцияларнинг аниқлигини ошириш имконини беради. Масалан, бундай технологиялар дронларда ёки ракета тизимларида нишонни бошқариш учун ишлатилиши мумкин. Ҳайдарий барча тафсилотларни келтирмаган, лекин бу тизимлар Эроннинг жанговар салоҳиятини ошириб, миллий манфаатлар ҳимоясини таъминлашини таъкидлаган.



РОССИЯ БАРЕНЦ КЕЛИШУВИДАН ЧИҚДИ

Россия Норвегия, Швеция ва Финландия билан Баренц денгизи ва Евроарктика минтақасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишувни бекор қилган.

Ўз навбатида Россия ҳамкорликни тўхтатганида Ғарб давлатларини айблаган.

Россия Федерацияси ҳукумати ҳуқуқий ҳужжатлар расмий порталида Россия бош вазири Михаил Мишустиннинг имзоланган тегишли буруғи эълон қилинган.

Ушбу ташкилотнинг ҳозирги аъзолари Дания, Исландия, Норвегия, Финландия ва Швециядир. Россия ҳам аъзо эди, аммо Украинада кенг кўламли уруш бошланганидан сўнг, бошқа давлатлар Москва билан ҳамкорликни тўхтатгани эълон қилган. 2023 йилда Россия “Ғарб ташкилотларининг айтиб билан” унинг иши амалда фалаж бўлиб қолганини айтиб, кенгаш таркибини тарқ этган.



ПОЛЬШАДА ИЛК БОР АЁЛ КИШИ “F-16” ҚИРУВЧИ САМОЛЁТИ УЧУВЧИСИГА АЙЛАНДИ

Мамлакат мудофаа вазири ушбу зобит аёлни табриклаган. Америка компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “F-16” қирувчи самолётларидан Польшада 40 дан ортқ маевжуд.

Маълум қилинишича, мамлакат тарихида илк бор аёл киши “F-16” қирувчи самолётининг учувчисига айланди. Бу ҳақда мамлакат мудофаа вазири Владислав Косиняк-Камиш маълум қилган.

Қайд этилишича, шу кунгача Польша Ҳарбий-ҳаво кучларининг “F-16” қирувчи самолётларини фақат эркаклар бошқарган. Энди бундай учувчилар қаторига биринчи аёл ҳам қўшилди.

“Ҳарбий-ҳаво кучларимиз ва Польша Қуролли кучлари учун муҳим янгилик — илк бор аёл киши “F-16” самолётининг учувчисига айланди. Офицер аёл Ласкдаги 32-тактик авиабазада хизмат қилади. У АҚШда тайёргарликдан ўтган ва энди бизнинг қирувчи самолётларимизни бошқара олади. Чин кўнгилдан табриклайман!” — деб ёзган вазир.



Интернет маълумотлари асосида Ислом ЭТАМБЕРДИЕВ тайёрлади.



ФАХР

U-17 ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ:

ЎЗБЕКЛАР ЎЗЛИГИНИ КЎРСАТДИ

Баҳс нафақат майдондаги ўйинчилар, томошабинлар учун ҳам осон кечмади. Бу спорт, лекин Ватан ва Халқ обрўсини юксакка кўтариш, ўз юртини дунёга кўз-кўз қилиш, буй-бастини янада кўрсатиб қўйиш учун чинакам баҳс эди. Назаримда, катта спортнинг довуғи шундаки, Ватан номи билан майдонга чиқилди. Стадиондаги ҳар бир футболчи Ватанга, ундан илҳақ бўлиб зафар кутаётган Халққа айланади.

Энг ҳаяжонли драматик ўйинни кузатиш муҳлис юрагига нечоғлиқ ҳаяжон ва изтироб солишини футбол ишқибозлари бир неча бор ҳис қилишган. Бу галги ўйин эса бошқача кечди. Биринчи тайм сўнгги дақиқаларида иккита ўйинчимизга “қизил” кўрсатилди. Бизникилар тўққиз нафар қолди. Ўзганинг майдонида, рақиб муҳлислари билан деярли лиқ тўлган стадионда, қаршилик босими томошабинлар томонидан ҳам, мезбон жамоанинг ўзи тарафдан ҳам кучли таъсир қилаётган бир пайтда, сафдошлари камайиб қолганига қарамай, ўзини ўнглаб олган ўзбек ўғлонларининг дадил тўп суриши менга худди парвоздаги бургутлар шиддатидай туюлди. Ўйиннинг ҳаёт-мамот палласида икки абжир жамоадошидан ажралиб турган ўғлонларимизнинг довдираб қолмагани, лаҳзада ўзларини ўнглаб мақсад сари отилиши, албатта, рақиб жамоани ҳам ташвишлантириб қўйди. Ботинида ғалабага иштиёқи баланд, бутун борлиги билан зафар сари интилган йигитларимиз

руҳан синмади. Бирдамлик ва бир диллик туйғуси билан боғланган футболчиларимиз тарихий ғалабани кўлга киритишди. Ўзбекистон ёшлари футболда чиннакам жасорат кўрсатишди ва тарихий ғалаба муаллифи сифатида футбол китобининг олтин варағига бу йил ўз номи — Ўзбекистон номини муҳрладилар. Финалда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Саудия Арабистони жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, қитъа чемпионлигини кўлга киритди.

Футбол бу спорт, албатта, лекин айрим лаҳзаларда унинг замирида халқлар ва миллатлар қалбини зирқиратадиган ё чексиз шодиёна ҳислари билан аланга олдирадиган бир сирли куч борки, кечаги ўйинда ана шу куч таъсирини барча ўзбекистонликлар ботинан ҳис қилдилар. Барча ўзбекистонлик муҳлислар гўё футболчиларимиз билан бирга араблар майдонида тўп суришди. Очиги, миллат бирлиги ва бир диллиги намоён бўлди. Бундай пайтда кўзинг экранга қадалиши мумкин, лекин қалбинг, борлигинг ўз жамоанг билан бирга бўлади. Ҳа, шу ўйинда бутун Ўзбекистон ўғлонларимиз ёнида эди... Майдондан чиқариб юборилган икки ўйинчимизнинг ўрнини чинакам муҳлислар, деярли барча ўзбекистонликларнинг умид ва ишончи тўлдириб турди, деб ўйлайман. Мен мана шундай меҳр ва бирдамликни туйдим! Бироқ футбол тарихида эса энг драматик ва қатъиятли ўйинлардан бири сифатида эътироф этилиши ҳам шубҳасиз. Шундай экан, финалдаги ғалабамиз ҳам чин маънода тарихийдир!



Бу улкан тарихий ғалаба ўзбекнинг неларга қодирлигини дунёга намоён этди. Бу Янги Ўзбекистонни яна бир бор жаҳонга танитди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё кубоги ўйинлари ғолиблари ва иштирокчиларини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

Президентимизнинг 17 ёшгача бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига табриги йўлланди. Унда Юртбошимизнинг

“Азиз фарзандларим!” дея меҳр кўрсатганлиги бутун халқимизни янада ғурурлантириб юборди.

Музаффар спортчиларимиз, уларнинг мураббийлари Ватанимиз остонаси — аэропортда кўтаринки руҳда кутиб олинди. Сўнг уларга давлатимиз, ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Буларнинг барини ҳаммамиз кўрдик, гувоҳи бўлдик, суюндик.

Беихтиёр юракдан куйидаги сўзлар шеър бўлиб, сатрларга жо бўлиб қозоғга тушди:

ҒАЛАБА МУБОРАК!

Алининг майдони... Мардлар ўйини —
Футбол халолликни севади, укам!
Рухингни туширма, бош ҳакам, майли,
Рақибингнинг яқин дўсти бўлса ҳам!

Ховучимда юрак, бўғзимда нафас...
Илтижом, ўт олсин кўксингдagi ор!
Жон болам, жон укам, бўш келма бирпас...
Дарвоза ортида Ўзбекистон бор!

Сафингиз камайди. Афсус... Чекма ғам —
Тўққиз алп шахтида сўнмаса бас ўт.
Парвозда қаноти шикаст еса ҳам,
Чўққига етгунча учади Бургут.

Бу дунё зўрники. Ортда қолма, ўз!
Томирингда ғолиблик шахти ила қалқ!
Қара, қандай шараф! Сенга тикар кўз
Ғалабангга интиқ ўзбек деган Халқ!

Юртнинг тузи ҳақки Сен ютдинг халол!
Ғолиблик шавқидан титрайди юрак.
Жасорат рамзисан, топмагин завол,
Ватан номин тутган зафар муборак!

Матонат синмагай куч берса ўзлик,
Хар жойда мардлик нақд... Ғирром насия.
Шоҳсупангга оёқ қўймоқда Ўзбек,
Сени ҳам қутлайман, бугун Осиё!

Кўчкор НОРҚОБИЛ



ЧОРЛОВ

Азалдан буюк алломалар, бахшилар, полвонлар юрти сифатида ном қозонган Сурхон дёри аини пайтда мамлакатимиз ва хорижлик сайёҳлар кўп келадиған масканлардан бирига айланган. Воҳанинг тарихий археологик ёдгорликлари, меъморий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати, бетакрор қадрият ва аънаналари кишини оҳанрабодек ўзига тартади. Сизнинг ҳам Сурхондарёга йўлингиз тушса, бу манзилларни кўрмай қайтманг, деган мақсадда уларнинг айримлари ҳақида сўз юритамиз.

1. ТЕШИКТОШ ҒОРИ



Бойсунтоғдаги Зовталашсой дарасида жойлашган ушбу ғор бундан 100-40 минг йил аввал яшаб ўтган палеолит даврига мансуб қадимги одам маконидир. Ғор денгиз сатҳидан 1500-1600 метр баландликда жойлашган бўлиб, бўйи 7, эни 20, узунлиги эса 21 метрни ташкил этади. Ғордан 8-9 ёшли неандертал боланинг тана ва бош суяклари, қадимги ҳайвонларнинг қолдиқлари, яқин-атрофдан тош асрига тегишли меҳнат қуроллари топилган. Бу нодир топила Осиёда аниқланган неандертал одамнинг илк қолдиқлари, осиёлик неандерталнинг сақланиб қолган ягона бош суяги ҳисобланади. Неандертал боланинг бош суяги асосида тикланган қиёфасини Термиз археология музейида кўриш мумкин.

2. ЗАРАУТСОЙ ҚОЯТОШ СУРАТЛАРИ



Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги, ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги бўлган ушбу қоятош суратлари Шеробод туманининг Зараутсой дарасидаги Зарауткамар ғорида тошларга ишланган. Мезолит, неолит ва кейинги даврларга мансуб 200 дан ортиқ бу суратларда одамларнинг ўқ-ёй, найза, ўроксимон қуроллар ва итлар ёрдамида турли ҳайвонларни ов қилиш манзараси жигарранг ва кулранг кўришда ўзига хос ҳаётини қилиб тасвирланган. Расмларнинг қадимийлари ка-

Сурхондарёга келиш учун 10 та сабаб

мар шифтини, кейинги даврда чизилган суратлар камар деворининг пастки қисмларини эгаллайди. Бу ердан ўрта асрларга оид арабча “Муҳаммад” деган ёзувлар ҳам топилган.

3. ОМОНХОНА БУЛОҒИ ВА ҒОРИ

Бойсун туманининг табиати сўлим Омонхона қишлоғи замини тоба, яъни йирик ясси тошлар билан қопланган. Ана шу қаттиқ жисмни ёриб кўз очган булоқ суви турли фойдали минерал моддаларга бойлиги билан дунёга машҳур шифобахш маъданли сувлардан афзал эканлиги тан олинган.



Сув киши танасидаги ўтти суриш, уни суюлтириш, пешобни ҳайдаш, қабзиятни бўшатиш, қон босимини пасайтириш каби турли хасталикларни даволашга ижобий таъсир этади. Омонхона сувини истеъмол қилган кишида ошқозон-ичак, сариқ ва жигар циррози сингари ўткир юқумли касалликлар учрамайди.

Бу ерда Омонхона ғори ҳам мавжуд бўлиб, унинг баландлиги 3,5 метр, умумий майдони 60 квадрат метрни ташкил этади. Саратоннинг чилласида ғор ичидаги ҳарорат 5-6 даража минус, қишда эса 20-22 даража илқ бўлиб туради. Омонхона қишлоғида бальнеологик даволаш маскани бунёд этилган.

4. САНГАРДАК ШАРШАРАСИ



Сангардак — Ўзбекистоннинг энг баланд шаршараларидан бири, табиатнинг ноёб дурдонасидир. Сарюсиё туманининг Сангардак қишлоғида жойлашган бу шаршара тоғнинг 150 метрдан ортиқ баландликдаги қисмидан отилиб тушади. Шаршара булоқ сувларидан ҳосил бўлиб, булоқлар сувни қоялар ичида жойлашган қул-

дан олади. Булоқ сувлари тоғ ёнбағирларидаги турли гиёҳ илдизларини ювиб чиқаётгани боис инсон вужудини тетиклаштирувчи фойдали хусусиятларга эга. Шаршаранинг товуши ўзига хос “шаршара-терапия” — асабини тинчлантириб, юракка қувват беради.

Шаршаранинг ўнг томонида, ундан 200 метр баландликда маҳаллий аҳоли томонидан “Жавзо суви” деб аталадиган ғаройиб булоқ ҳам бор. Қизиги шундаки, бир йилда бир марта фақат жавзо (май) ойида тоғ бағридаги булоқдан сув оқа бошлайди. Ушбу ой тугаши билан тоғ бағридан оқаётган сув ҳам тўхтайди. Кишиларни ҳайратга соладиган бу ғаройиб жумбоқ ҳалигача илмий асосда ўрганилмаган.

5. АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ МАҚБАСИ



Термиз туманида, Амударё бўйида жойлашган ушбу мақбара IX асрларда яшаб ўтган ҳақимийлик тариқатининг асосчиси, машҳур муҳаддис ва тасавуф шайхларидан бири, 400 дан ортиқ диний-фалсафий асарлар муаллифи Ал-Ҳаким ат-Термизий қабри устида қурилган. Ўзида масжид, мақбара, хонақа ва сағанани бирлаштирган мажмуа X-XV асрларга оид бўлиб, у қорахоний ҳукмдор Абу Музаффар Аҳмад Тегин, Амир Темур ҳамда темурий шаҳзодалар Шоҳрух Мирзо ва Халил Султон ҳукмронлиги даврида бунёд этилган.

Мақбаранинг чап томонида V-X асрларга оид бир неча чиллахона мавжуд. Ушбу чиллахоналарнинг чуқурлиги 15 метргача етади. Бу ердан қадимдан касалларни даволаш хонаси сифатида фойдаланиб келинган. Негаки, жанубнинг қайноқ жазирамасида ҳам ушбу ғорсимон уйчаларда ҳаво салқин, қаҳратонда эса илқ бўлган. Баъзи манбаларга кўра, бундай ғорсимон уйчаларда жазирама кунларда

гўшт маҳсулотлари сақланган ва у совиткич вазифасини ўтаб берган.

6. СУЛТОН САОДАТ МАЖМУАСИ



Термиз туманида жойлашган ушбу мажмуа 20 га яқин мақбарадан иборат. Дастлабки мақбара пайгамбаримиз авлоди, шу атрофдаги ерлар эгаси, Термиз сайидларининг султони Ҳасан ал-Амир қабри устига бунёд этилган. Манбаларда ёзилишича, IX асрда яшаган Ҳасан ал-Амир ўз яқинлари билан дастлаб Самарқанда қўчиб келган. Бу ерда ўн бир йил яшаб, Балхга кўчган. Ундан Термизга келиб, яшаб қолган. Вафот этган, шу ерда дафн этилган. XI-XVII асрлар мобайнида ушбу мўътабар зотнинг авлодлари учун ҳам бу ерда маҳобатли мақбаралар қурилган. Мақбараларнинг энг қадимгиси сомонийлар даврида, асосий қисми Амир Темур томонидан қурилган. Мақбараларда 170 тагача қабр бор.

7. ЖАРҚЎРҒОН МИНОРАСИ



Жарқўрғон туманидаги XII асрга оид ушбу минора Салжукийлар ҳукмдори Султон Санжарнинг буйруғи билан 1109 йилда меъмор Али ибн Муҳаммад Сарахсий томонидан қурилган. Миноранинг баландлиги ҳозирда

21,6 метр, аммо қурилиш вақтида у 54 метр бўлган. Минорага қараб, унинг безакларидан кўзингизни узолмайсиз. Гиштларнинг маҳорат билан арча нақшида терилганлиги тўқилганлик эффектини яратди. Миноранинг остида турганингизда, гиштларнинг терилгани гишт эмас, балки мато каби кўринади. Минора ичкарида айланган зинапоаялар бўлиб, улар ёрдамида гўмбазимон муаззинхонага кўтарилиш мумкин бўлган. Аммо ҳозирда унинг тепа қисми сақланмаган. 1879 йилда минора яқинида пишиқ гишдан қурилган қадимий масжиднинг харобалари топилган.

8. САЙРОБ ЧИНОРЛАРИ



Бойсун туманининг Сайроб қишлоғида қарийб минг йиллик бу икки түп чинорнинг бўйи 26 метр, диаметри 21 метр, танасининг баландлиги бўйича ўлчами 9,7 метрни ташкил этади. Ковагининг баландлиги етти метрга тенг. Тўғри учбурчак шаклидаги ковак оғзи меҳробли эшикни эслатади.

Тарихнинг турли талатўпларини бошдан ўтказган чинор ковағи ўтган аср бошларида эски мактаб сифатида хизмат қилиб, шу ерликларнинг саводини чиқарган. Октябрь тўнтарышидан сўнг қишлоқ кенгаши идорасига айлантирилган. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида биринчи отлик асқарлар полкининг лагерь кутубхонаси, савдо дўкони сифатида фаолият юритган. Аини пайтда ноёб тарихий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган чинорлар коваклари мўъжазгина музейга айлантирилган. Чинорлар ёнидаги қора тусли балиқлар сузиб юрадиган шифобахш булоқ суви қандли диабет хасталигини даволаш хусусиятига эга.

9. “ХЎЖАЙКОН” ТУЗ ҒОРИ

Шеробод туманида жойлашган туз ғорининг узунлиги 200 метрни ташкил этади. Ғор деворлари 1-3 сантиметргача туз қатлами билан қопланган. Бу ерда ҳарорати, намлиги, босими ва микроклими бир-биридан фарқ қиладиган кенг ва шинам хона-камаралар мавжуд. Ғорнинг ички узун йўлакчасида туз эритмалли шифобахш сув бор. Ғордаги муҳит нафас йўллариининг аллергик касалликлари, зоб-бўқоқ, ўт-

кир ва сурункали бронхит, астма, сурункали ларингит, ринит, полиноз, зотилжам, пневмония асоратлари, ўпканинг шамоллаши, асаб системаси ва тери касалликларини самарали даволайди.



“Хўжайкон” туз ғоридан ташқари бу ҳудудда маҳаллий аҳоли “Буйраксув” деб атайдиган иккита ер ости суви ҳам бор. Кенг адирлиқда сизиб чиқадиган бу шифобахш сув буйракдаги тошларни майдалаб, беозор тушириб юбориш хусусиятига эга.

10. ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ

Термиз археология музейи Ўрта Осиёдаги ягона археологияга ихтисослаштирилган музей ҳисобланади. Музей 27 мингдан ортиқ экспонат билан фаолият бошлаган. Аини пайтда бу ерда Ватанимизнинг милоддан аввалги юз минг йиллик ўтмишидан бошлаб бугунги кунга қадар бўлган ҳаёти кенг ёритилган қарийб 116 мингга яқин ноёб топила ва осори-атиқалар сақланмоқда. Уларнинг 84 мингдан ортиғи археологияга, 32 мингга яқини нумизматикага оид экспонатлардир. Музей



кутубхонасида 3700 дан ортиқ қўлёзмалар, тарихий адабиётлар ва бадий китоблар мавжуд. Музей фонди йилдан-йилга турли даврларга оид янги топиламалар билан бойиб бормоқда. Хуллас, минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, деб бежиз айтишмаган. Агар табиат инъом этган мўъжизалардан ҳайратланишни, мазий ва бутун билан юзлашни иста сангиз, Сурхондарёга келинг, кўринг, завқ олинг. Бундан оладиган таассуротларингиз арзирли ва кўнгилга хуш ёқувчи бўлишига шубҳа йўқ!

Хўмоюн НИЗОМИДДИНОВ,
“Hurriyat”нинг Сурхондарё вилояти бўйича муҳбири.

СОҒИНЧ

“Сўзларим, учқун соч, самандар қуш бўл...”

Ойдин опа!
Вақтлар келиб, сиз ҳақингизда хотиралар ёзаман, деб сира ўйламаган эдим. Ҳозир ҳам, назаримда, телефон жириглайди-ю, гушакдан тиниқ, ҳалимдай юмшоқ, ёқимли овозингиз қулоқларимга чалингандай бўлаверади: “Шарифажон, бир хабар олай дедим. Яхшимисиз, сингилжоним?”

Энди бўлса, мана бир неча йилдирки, биз, шоира сингилларингиз, шогирдларингиз ҳар сафар интиқлик билан кутадиган туғилган кунингизни қалбимизда синган най ноаларидай ўртаниш ва изтироб билан қаршилаймиз. Айрилиққа кўниккимиз келмайди, бироқ...

Худди эрталардагидай хаёлнинг ипак қанотларида ҳилпираб, кўз ўнгимизда сизнинг дилбар қиёфангиз намоён бўлади...

“Бир патила сочли қизча бор эди. майиздақкина. Хаёл-чангина. Икки яшарлигиде отаси дунёдан ўтди. Ғарибгина пахса уйда она билан икковлон қолишди. Қизалоқ тийрак, зеҳни тез, биров айтган гапни тўтидай илиб олар, юрган йўлида бижирлаб ўша сўзни такрорлаб юарди... Бахмал дўп-ларининг попуклари сарик шалоладай юзларига сочилиб турарди...”

Ўша сочлари патила қиз сиз эдингиз, Ойдин опа! Ёз бўйи жажжи оёқчалари қавуш кўрмаган, дарактлар билан эркала-ниб суҳбат қурган, бугдой поясидан тилла туморчалардай бувишаклар тўқиган қизча...

Сўнгра сиз ўлгайдингиз. Энди сиздан қўшиқ тинглаган тур-налар, лайлақлар хув узоқда — она қишлоқда қолди. Чах-чах уришлари, чақнаб туришлари дунёга ларзон солган ҳас-сос қалб сўзни қисмат билиб, шаҳарга келди.

**Ўзни ўтга урган парвонадурман,
Парвона феълимдан афсонадурман.
Найқамиш дилимни агар ошиқлар
Чалсалар бир дардли таронадурман.
Эл меҳрин айладим жонга кўзмончоқ,
Юртимда бир Ойдин нишонадурман.**

Ойдин опа, сиз чиндан ҳам ой нафасли, булбул касли, пешонаси нек, улуг устозлар назаридаги, меҳридаги шоира эдингиз. Мухтарам Зулфияхоним билан бирга ишлаш мо-байнида уларнинг меҳру мухаббати, ишончига сазовор бўл-дингиз. “Гулчехра Жўраева ва Шаҳодат Исахоновалар билан суҳбатлашиб ўтирган эдик. Зулфия опа биз билан сўрашди-лар, “Киринглар, соғиниб кетдим сизларни”, дедилар. Устоз ҳузурида анча гаплашиб ўтирдик, шеърлар ўқидик, ҳамма-миздан ҳол-аҳвол сўрадилар. Мен церебролизин деган дори тополмаётганимни айтдим. Дарҳол дорихоналар бошқарма-сига телефон қилдилар. Чукүрсойдаги дорихонада бор экан, машиналарини юбориб, олиб келтириб бердилар. “Энди яхши бўлиб кетасиз”, деб тасалли бердилар. Мен устознинг бу меҳрибончилигидан кўнглим ийиб, аллақандай бир туйғу аро раҳмат дейишимни ҳам, қандай миннатдорчилик бил-дирсам, бу эътиборга лойиқ бўлишни билмай анча муддат жимиб қолдим. Ва узоқ тополмай юрган доридан муолажа бошлаб, анча ўзини яхши сеза бошладим”. Ёки “Ўзи тугал поэзия” бўлган Музайяна Алавия билан дўстликларингиз, Саида Зуннунова ва Кибриёхоним билан кечган дилкаш суҳ-батларингиз... Ёки адабиётнинг чинорларидан бири бўлган Асқад Мухторнинг мангуликка дахлдор адабий сабоқлари...

**Асқад Мухтор хаёл сурар тунлари,
Чирғога урилади парвона.
Тонг насими, саҳарнинг хуш унлари
Жарангига тўлиб кетади хона.**

**Шовуллайди ривоятгўй чинорлар,
Бўронлардан энар дилга ҳаловат.
Сўз гуллайти, ҳар сапреди баҳорлар,
“Тундалиқлар” нафасида ҳарорат.**

**Ёсумангул баргида нур йиғириб,
Ўз созида маст сайрайди чирлдоқ.
Фикратидан унинг чақмоқ югуриб,
Пилисига ўт кетади кўнжиг, оқ!**

**Вулқон бўлар сўздан учган аланга,
Парт бўлади осмоннинг бўз кўйлаги.**



Ҳар тонг шундай вулқон бўлиб оламга
Чиқиб келар Асқад Мухтор юраги!

“Хотирада — ҳаёт”, — деб ёзадилар адиба Олмосхон Аҳ-медова. Ҳа, инсон умри асли хотира учун яралган.

Шоирамизнинг эллик йиллик юбилейини ўтказиш учун Бу-хоройи шарифга — Ойдин опамизнинг киндик қони тўкилган Хожайи Бўстонга йўл олар эканмиз, юртимизнинг асл фар-зандлари уларнинг ёнларида эди. Олий таълим даргоҳла-рида бўладими, туман ҳокимлигининг залларида, мактаб-лар, гузарларда бўладими — шоиранинг туғилган куни халқ шодиёнасига айланиб кетган эди. Борлиқда баҳор нафаси, ҳовуз бўйидаги мажнунтоплар ўзига роса оро берган, дашт гуллари чарақлаб очилиб, тонгги шабнамларни гул касасига тўплаётган бекиёс гўзал ҳолатлар...

Даштга қадам қўйишимиз билан тип-тиниқ осмондан уч-тўрт дона йирик-йирик томчилар устимизга дур каби со-чилди. Шу пайт узоқдаги чўпон югуриб келиб, катта қўйни ушлаб, Ойдин опамнинг оёқлари тагига думалатиб: “Қадами кўтлуг меҳмонлар келди, биз бир ойдан бери ёмғир кутаёт-ган эдик”, деб Аллоҳ ризоллиги йўлида қурбонлик қилди. Ба-ҳор ёмғирининг илик сели остида шалаббо бўлар эканмиз, қувончимизнинг чеки йўқ, ўша кунларнинг бир кун келиб хо-тирага айланиши кимнинг хаёлига келар эди, дейсиз.

**Бугдой ноним бўлмаса,
Бугдойгина сўзим бор.
Ҳар сўзимда чўйлаган
Ям-яшил илдизим бор...**

**Ғойибона, юзма-юз
Эл тутинган жонимсиз.
Шоирам деб сийлаган
Хур Ўзбекистонимсиз.**

Ўзбекистон халқ шоири, “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланган бетимсол адиба, қатор шеърйи китоблар — “Шабнам”, “Манзиллар”, “Онам севган қўшиқ”, “Орзу гули”, “Тароват”, “Достонлар”, “Мушфиқ онажон”, “Хушхабар”, “Чашмаларни излайман”, “Тамал тоши”, “Ишонч юлдузлари”, “Кўзимнинг оқу қораси”, “Паноҳим” ва бошқа қатор асарлар муаллифи Ойдин Ҳожиева умр мазмунини, бахтининг мағзини она Ватанда деб билди. Қаламидан тўкилган ҳароратли мис-раларда ҳалол меҳнатининг ижобатини кўрди.

**Топган ноним она сумти каби ҳалолдир,
Ҳаром пулни чангалимда тутмадим қур.**

**Шу ҳикматни қулоғингга сирга қилиб юр,
Кафтим очсам, кафтларимга ёғилади нур...**

...1992 йили май ойи эди Туркистон сафарига отландик. Биз худди ёш боладек қувнардингиз, ҳаяжонланардингиз, Ойдин опа. Улуг зиёрат ҳиссиёти сизни тўла қамраб ол-ган, баҳорнинг турфа ранглари — ялпизу ёвшанлардан тортиб, йўл чеккасида тикрайиб турган юмронқозиқлар-гача сизни ҳайратга соларди. Қувваи ҳофизангиз ҳамиша кишини ҳайратга соладиган даражада кучли эди. Шеър ўқийётганингизда товушингиз бироз титраб, яна бийронлик билан давом этардингиз. Аҳмад Яссавий ҳазратлари зиё-ратида бироз шикаста овозда Қуръон оятларидан тиловат қилар экансиз, миждаларингиз намланди. Рўмол учи би-лан кўзларингизни артар экансиз, “Улуғларимизга аён сир-лар бизга ноаёндыр”, дедингиз секин. Ўйга қайтаётгани-мизда, ҳазратнинг устозлари Арлонбоб бобо зиёрати учун анча ичкарига қайтишимизга тўғри келди. Қандайдир куч бизни фақат ўшбу зиёратни адо этмасдан кетишимизга йўл қўймаётгандек эди. Биз зиёратни ниҳоялаб йўлга ту-шар эканмиз, қизик воқеа рўй берди. Машина ҳаракатла-наётган йўлнинг ўртасидан гўё кўринмас чизик ўтган-у, биз юраётган тарафга катта-катта ёмғирлар ёға бошлаган эди. йўлнинг иккинчи ярми қўп-қуруқ. Бироздан сўнг эса янада ҳайратлироқ ҳодиса рўй берди: ер билан осмонни туташ-тирувчи мухташам устун — худди ипак каби эшилган нур устун пайдо бўлди. Биз умримиз мобайнида бундоқ мўъ-жизага дуч келмаган эдик. Ҳаммамиз беҳад мутаассир бў-либ, йўлда давом этарканмиз, шиддат билан қуйган ёмғир то Тошкентга келгунимизча тўхтамади. Ойдин опам эса би-роз ўтмай ҳукуматимиз томонидан халқ шоири деган юксак унвонга лойиқ кўрилди. Шодлигимизнинг эса чеки йўқ эди.

Ойдин Ҳожиеванинг ўн саккиз йиллик меҳнат фаолияти “Саодат” журналининг бош муҳаррири лавозимиде ишлаш масъулияти билан чамбарчас боғланиб кетган. Оланинг чор-лови билан Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларидан оқ қабу-тарлардай учиб келиб, файзли гурунг ва режалар устида кенашган шоира қизлар Ойдин опамнинг чин маънодаги шогирдлари, сафдошлари эди. Ойдин опам улуг устозлари Зулфияхонимнинг удумини маҳкам тутиб, теграсида ижод гулшани яратган эдилар. Байрамларда бир пиёла чой у-стида мушоиралар давом этар, эл суйган санъаткорлар ке-либ, хушудлик билан қўшиқлар ижро этарди. Ойдин опам шоира қизларга ёзган қор хатида ажиб бир нафосат ва ўк-тамлик билан адабий аънаналарни давом эттириб, уларни номма-ном таърифлаб, кирққа яқин шоираларни тарих сахи-фасига муҳрлаган эдилар.

**...Эътиборхон келсалар там-там бўлиб,
Қошига ўсма қўйиб, хуррам бўлиб...
...мисли Ҳулқар юлдузидай жам бўлиб...**

Мана, бугун эса тилга олинган шоираларимизнинг айри-лари орамизда йўқ. Аммо Ойдин Ҳожиеванинг улар ҳақидаги битиклари ҳали охори ўчмай, ангидай ярқираб турибди.

Биз маҳаллада ҳар йили сумалак қилганимизда, Ойдин опамларни тақлиф қилардик. Атлас қўйлақларда ловуллаб келувчи, булбул жарангли шеърлари билан ҳаммани ўзига ром қилувчи азизамиз давранинг тўрида ўтириб, нафис маж-лисларга бош бўлардилар. Ҳовлига сигмай кетган аёллар чехрасида қуёш жилваланарди. “Сизни соғинамиз, тез-тез келиб туринг!” деб опамизни — эл севган шоирамизни ўраб олишарди.

Ойдин опа, сизни нафақат битта маҳалла ёки олий таъ-лим маскани, балки бутун халқимиз, юртдошларимиз соғи-нади, кўмсайди, дуолар қилади. Сиз жуда кўп мухлисларин-гизга дастхатлар ёзиб берган эдингиз. Чеҳрангиздай нафис, қалббингиздай гўзал дастхатлар билан... Босиб ўтган ҳаётин-гиз, кечган умрингиз, қаламингиздан тўкилган гавҳарлар, ҳа-лол меҳнатингиз эл дуоси ила пайваста бўлди ва юракларга муҳрланди.

**Мен не қилсам, писабиллох, савоб деб қилдим,
Она халқим хурматига жавоб деб қилдим.
Пирларимнинг босган изин тавоф деб қилдим,
Савобимни пулга қақиб юрмадим, шукр.**

Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

1-6

ЭНГ САДОҚАТЛИ
ДЎСТ ВА УСТОЗ!

Юртимизда “Ўзбекистон – китобхонлар юрти” шиори
остидаги V Республика “Китобхонлик ҳафталиги”
давом этмоқда

Ушбу асарнинг ёзилганига бир асрдан ошган бўлса-да, бизга номтаълым бўлиб келаёт-ган эди. 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Турсун-кули Қўзиёвнинг ташаббуси билан асар ўзбек ти-лига Мадина Арипова, рус тилига Инга Павлова ва Ричардас Гарулис томонидан таржима қилинди. Китоб мустабид тузум даврида ўзбек халқи боши-дан кечирган воқеаликлари тасвирлаган қиммат-баҳо манба ҳисобланади. Ушбу асар муаллифи-лари литвалик шифокор, олим, жамоат арбоби Людас Вайнейкис ва хотиранамис адиба Стасе Вайнейкене бўлиб, улар 1914 йилдан 1921 йилга қадар Туркистонда сургунда бўлишган. Улар Ўрта Осиёнинг кўнлаб ҳудудлари қатори Ўзбекистонда ҳам яшаган. Шу боис асардан халқимиз тарихига оид воқеалар, шунингдек, тарихчилар томонидан кам ўрганилган мақолалар ва материаллар, бетак-рор суратлар жой олган.

Тадбирда сўзга чиққанлар китобда тилга олин-ган даврда ўз берган ҳодисалар, соломалар, ме-муарлар, эсдаликларни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритдилар. Турли миллат вакиллари – ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар ва турк-

манларнинг урф-одатлари ва аънаналари тасвир-ланган мазкур китоб ҳақидаги таассуротлари би-лан ўртоқлашдилар.

“Бугунги халқро тадбирда иштирок этаётган турли касб эгалари, ёшларни қўриб, халқимизнинг китобга эътибори нақадар юксаклигини кўришимиз мумкин. Китоб узоқ Литвадан узоқ Туркистонга кел-ган шифокор ва унинг оиласининг Ўрта Осиёга ша-фари ҳақида. Ҳар куни рўй берган воқеаларни ши-фокорнинг аёли қоғозга тушириб борган. Бу асар бизнинг халқимиз учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади”, — деди китоб тақдиротида Турсунали Қў-зиев.

Адабий анжуман халқро даражада ўтказилиб, унда Литвадаги вакиллар, хусусан, китоб муалли-фининг набираси ва Литвадаги музей, кутубхона ходимлари, юртимиздаги қатор музейлар ва ҳо-кимликларнинг масъуллари билан онлайн тарзда фикр алмашилди. Бундан ташқари, тадбирда та-ниқли шоир ва ёзувчилар, таржимонлар, адабиёт-шунослар, тарихчилар, оммавий ахборот восита-лари вакиллари, кутубхоналар ҳамда маданият марказлари вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Гулнора ШЕРМАТОВА.

КЕЧИНМА

ЭНГ ҚИМММАТЛИ БОЙЛИК

**...Кўз очиб юмаунча баҳор
келиб, табиат уйғонди.
Қишлоқ кўчалари яна яшил
либосга бурканди. Дарахтлар
гунчалаб, ўзининг янги ҳаётига
шайланаётган, гўё ҳаётга
“мен яна бор!” дейётгандек.
Ана шундай бир кунларда,
шаҳар гавжумлигидан,
кундалиқ ишларининг
тинимсиз айланишидан
чарчаган кўнлимни бир оз
тинчлантириш учун қишлоққа
бордим — болагим қадам
босган, ҳар бир бурчагида
хотиралар яшириниб ётган
жойга.**

У ерга етиб борган, онамнинг бағрига бош қўйгандим. У киши эса ҳар доимгидек илиқ, ҳар доимгидек меҳрибон. Кўзларидаги қу-вонч, юзларидаги севинч бир умр кўзимдан кетмайдиган манзара. Онам кўк сомса ёлди. Бу оддий овқат эмасди мен учун. Бу — бола-лик ҳидини ўзида сақлаб қолган, оналик меҳ-рининг энг тиниқ ифодаси бўлган тансиқ неъ-мат эди. Тандирда пийшавган сомсанинг ҳиди бутун ҳовлимизни тўлдириб юборди. Гўё бу ис нафақат нонушта учун, балки уйни тўлди-раётган меҳрнинг тимсоли эди. Ҳар бир лўқма билан мен болагимизга, мактабга кетаётга-нимда онам йўлимга тутган иссиқ нонни, со-вуқ тонларда отам билан биргаликда танدير ёнида иситилиб ўтирган кунларни эслатди. Шу орада отам кириб келди. Эғнида од-



дий қўйлаги, юзида ҳар доимгидек салобат ва меҳр. “Бозорга чиқиб музқаймоқ олиб кел-дим”, — деди. Қулиб юбордим. Музқаймоқ... Гўё бу оддий совуқ ширинлик эмас, балки бо-лаглик орзуларининг музлаган, аммо ҳали эри-маган парчаси эди. Отам бу совгани нафақат тилимизни, балки юрагимизни ҳам ширин қи-лиш учун олиб келган эди.

Орадан кўп ўтмай, синглим ҳам етиб келди. Қўлида жияним — болагий кўзларида жи-лваланиб турган, бир қарашда ўзимизнинг бо-лалик суратимизни эслатадиган гўдак. Бизни қўриб, жиянчам севинч билан югурди, бағри-мизга ташланди. Устимиздан бир неча йил ў-тангани ҳис қилса-да, шу юрт, шу ҳовли, шу одамлар билан юрак биргаликда ҳеч қа-чон узилмаганини чуқур англадик. Биз бирга ўтириб, узоқ суҳбатлашдик. Суҳбатимизда бо-

лалик эсдаликлари, ўтган кунлар, кечган умр-нинг хотиржам гўзаллиги, ота-онамизнинг фи-дойилиги ҳақида сўз борди. Ҳар ким ўз дар-дини, ўз қувончини улашди. Қулдик, баъзан сукутта чўмдик. Ҳа сукутларда сўзсиз ай-тилган ҳақиқатлар яширинганди. Бу сукут — узаро тушунов, муҳаббат, қадрлаш эди.

Бу бир кун эмасди. Бу ҳаётнинг ўзига хос, табиатдан инъом этилган катта бир байрами эди. Баҳор — табиатнинг уйғониб фасли бўлса, бу кун — бизнинг оилавий риштала-римизнинг яна бир бор жонлангани, исиниш фасли эди. Одам ўзини бахтли ҳис қилиши учун кўп нарса керак эмас экан! Етарли бў-ларкан бир пиёла чой, онангизнинг тан-дирли сомсаси, отангизнинг ширин сўзи, сингилнинг меҳрли қучоғи, жиянинг мусича-дек қувончли кўзлари. Бахт — оддийликда, меҳрда, хотирада, оилада яшаркан!

Қишлоқда ўтган ана шу кун юрагимда узоқ сақланадиган хотирага айланди. Ҳовлида гул-лаган очна дарахти, нон ҳиди, отамнинг қадам товушлари, онамнинг сокин, аммо меҳрли ни-гоҳи, жиянимнинг кулгиси — буларнинг бар-часи бир умрга муҳрланди. Лекин, ҳаёт ҳар доим ҳам байрамлардан, муваффақиятлар-дан иборат эмас-да.

Мен яна шаҳар ҳаётига қайтаман. Аммо юрагимда қишлоқ нафаси, онамнинг тан-дирда пиширган сомсаси, отамнинг меҳрли қарашлари, яқинларимнинг самимий нигоҳла-ридан тўлиб турган бағир тўла хотира билан қилдим. Билсам , бу — ҳаётимдаги энг қим-матли бойлик.

Ислом АСИЛБЕКОВ.

✓ МУЖДА

“ЎТКАН КУНЛАР” — ҚИРҒИЗ ТИЛИДА

“Қодирий романлари бутун таркиби билан ўзига хос услубда ёзилган ўзбек романларидир, — деб ёзган эди академик Е.Э.Бертельс. — Дунёда бешта, яъни: француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди. Энди олтинчисини, яъни ўзбек романчилиги мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди...”. Дарҳақиқат, бу асар чоп этилгунга қадар нафақат ўзбек, балки умуман туркий халқлар адабиётида роман жанри мавжуд эмас, роман деб эълон қилинган айрим асарлар эса бу жанр талабларига тўғри келмас эди. Демак, А.Қодирий туркий романчиликини бошлаб берган адиб, “Ўткан кунлар” эса биринчи туркий романдир. 2025 йилда унинг китоб бўлиб чоп этилганига роса юз йил тўлади.

“Ўткан кунлар” чоп этилган пайтни эслаб, машҳур қозоқ адиби Мухтор Аvezов: “Қодирий романлари гўё текис саҳро узра қад кўтарган баланд тоғ каби кўринарди, — деб ёзган эди. — Биз ёш чоғимизда Абдулла Қодирий романларини бош кўтармай ўқир, унинг характерларни шакллантиришига, инсоний эҳтирослар бўронини қалбларимизга кўчиришига, қаҳрамонларни меҳр билан тасвир этиш маҳоратига қойил қолар эдик...”

Шу орада ўтган юз йил давомида ўзбек сўз санъатида яратилган романлар бир неча юзлаб. Улар орасида жуда ажойиб, кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган асарлар анча. Аммо шунга қарамай, “Ўткан кунлар” романи бир бошқача. Бежиз эмаски, бир неча авлод китобхон унинг жозибасига мафтун бўлиб, шайдо бўлиб яшаб ўтаётир. Таъбир жоиз бўлса, мен бу романни ўзбек халқи маънавиятининг “паспорти” деб атар эдим — бизнинг бору йўғимиз, кулфату бахтимиз, яхшилиғи ёмонлиғимиз, қайғумиз, шодлиғимиз, нодонлиғи фалсафамиз... — бари шу романда, ундаги ҳаёт ичида.

Шунинг учун қайсибир ажнабий ёзувчи: “Мен ўзбек адабиётидан бирон асарни ўз она тилимга таржима қилмоқчиман, нима маслаҳат берасиз?” деб сўрайдиган бўлса, ҳаммамиз аввало “Ўткан кунлар”ни ўғиринг, деб тавсия қиламиз, ўша халқ китобхони шуни ўқиса-ю, бизнинг қиллигимизни, қандай эл эканлигимизни билиб олса экан, деймиз.

Лекин яхши асарларнинг катта бир айби шуки, уни бошқа тилга таржима қилиш қи-



йин. Негаки, улар ўта миллий. Шу эл вакилигина англайдиган тушунчалар, урф-одатлар, ҳолатлар, ҳатто имо-ишоралар бисёр улар матнида. Бир мисол, асар журналда босилиб чиққач, мунаққид Сотти Хусайн Абдулла Қодирийни айблаб, асарда Қумушни иккинчи бор эрга бериш олдида, онаси у билан маслаҳатлашиб, бу никоҳга розилигини сўраганини келтиради ва эрга беришда ўзбеклар қизининг розилигини сўрамайди, деб дашнон беради. Абдулла Қодирий эса бунга жавобида, биринчи бор узатишда розилиги шарт эмас, чунки тажрибасиз. Бироқ иккинчи бор эрга тегишда раъйига қаралган, танқидчи ўртоқ бундан хабарсиз экан, деб изоҳлаб ўтди. Қодирий ўзбек удумларини ана шу даражада теран билган. Асар шундай ўта миллийлик руҳи билан сўғорилган.

“Ўткан кунлар”, бир қараганда, саргузашт каби: Тошкентдаги обрўли хонадонлардан бирининг ёлғиз фарзанди Отабек хизмат-

кор Ҳасанали билан Марғилонга савдо учун бориб, ўша ерда гўзал қиз — Қумушни кўриб қолади, унга уйланади. Аммо Қумушнинг хуснини эшитиб, унга етишолмай доғда қолган баттол Ҳомид Отабекни Қўқон хонлигига қарши киши, айғоқчи, деб туҳмат қилиб, икки бор дор остига қадар олиб боришга муваффақ бўлади. Ёлғони фош бўлгач, қочиб кутулади. Бошқа томондан, Отабекнинг ота-онаси ёлғиз фарзандлари Марғилонда қолиб кетишидан хавотирланиб, уни Тошкентдан яна уйлантиришади. Қумуш Тошкентга, Отабеклар хонадонига кўчиб келгач, уни кундоши Зайнаб заҳарлаб ўлдиради. Отабек эса Тошкентга бостириб келаётган чор босқинчиларига қарши жангда ҳалок бўлади.

Содда ўқувчи асарга ундаги сюжет воқеаларига қараб баҳо беради эмасми, асар 1922 йилда “Инқилоб” журналида чиққач, саводли одамларга ўқитиб эшитган тўпори кишилар асарни “Қумушнинг китоби” деб аташ-

ган. Ҳолбуки, Абдулла Қодирий учун Қумуш, Отабек, умуман, бу эски сюжетнинг ўзи ҳам фақат бир қолип бўлиб, адиб уни Отабекнинг отаси Юсуфбек ҳожи тилидан айтилган мана бу ғояни китобхон сезмайгина “ютиб юбориши” учун тўқиган, асарнинг асл жавҳари эса қуйидаги сўзлардан иборат бўлиб, мутаржим уни қирғиз тилида ҳам мукамал акс эттира олгани шоёни таҳсин:

— Мен өмүрүмдүн көбүнү бул элдин тынчтыгы жана бейпилдиги үчүн арнадым, бирок өзүмө мындан азаптан башка эч нерсе таппадым. Ынтымактын эмне экенин түшүнбөгөн, жалгыз өз кызыкчылыгы үчүн бири-бирин жеп, бири-бирине душман болгон мансапкор, дүйнөкор жана атак-даңкты жакшы көргөндөр Түркстандын жеринен жоголмоюнча, биз адам болушубузга акылым жетпей жатат...

Бугун Абдулла Қодирий асарлари кйриб бормаган ўзбек хонадони йўқ бўлса керак. Романлари бир неча бор экранлаштирилди, адиб номида давлат мукофоти таъсис этилди, уй-музейи очилди, Тошкентдаги метро станцияси, ижод мактаби, театр, кўплаб хибонлар, мактаблар адиб номида. “Ўткан кунлар” эса ўнлаб чет тилларга ўғирланган.

Атоқли адиб Пиримқул Қодиров: “Қозоқнинг улуг прозаиги Мухтор Аvezов Абдулла Қодирий асарларидан руҳланган. Мухтор Аvezовдан эса Чингиз Айтматов маҳорат сирларини ўрганган. Биз, бугунги ўзбек ёзувчилари эса Чингиз Айтматовга ҳавас қилиб асар ёзамиз”, — дея эътироф этган эди. Туркий халқлар, уларнинг ижодкорлари бир-биридан ўрганиши, бир-бирини эътироф этиши нақадар ибратли!

Биз юқорида “Ўткан кунлар” романи руҳан ўта миллий эканини таъкидлаб ўтган эдик. Бундай асарларни миллийликини теран ҳис қилган ижодкор таржима қилгани яхши. Шунинг учун ҳатто арслонбоблик ёзувчи, ўзбек ва қирғиз тилларини мукамал биладиган Улуғбек Абдусаломовнинг бу ишга қўл ўрганини уққанимда ҳам, очиги, ҳатто бироз тараддудланиб қолганим рост. Лекин таржима матнини ўқиб кўргач, иккилилашларим тарқаб кетди — асарнинг мазмунини унда тўла ва тўлиқ акс этгани шубҳасиз. Эҳтимол, бу матн қирғиз тилининг лисоний-бадиий хусусиятларига кўра қай бир жиҳатдан оқсар, аммо яхши

асарлар такрор-такрор таржима бўлади ва ҳар гал асарнинг ҳам, иккинчи тилнинг ҳам янги тароватлари очилаверади.

Ўзбекистонда 2022 йилда юз жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” антологияси нашр этилди (9 жилди — қирғиз адабиётидан таржималар), 2023 йилда эса Чингиз Айтматов асарларининг 10 жилдлиги, Султон Раевнинг ўн тўрт асарни ўз ичига олган “Тандалмалар”и ўзбек тилида босилди. Демак, қирғиз-ўзбек ва умуман, туркий тиллараро таржималар тобора кенг кўлам олаётир. Албатта, умид қиламизки, биргина “Манас” эпоси ўзбек тилига ҳозирга қадар тўққиз марта таржима қилинган экан, ўзбекининг “Алпомиш”, “Гүрўғли” сингари юксак бадиий дostonлари таржимаси ҳам яқин орада қирғиз ўқувчисининг китоб жавонидан жой олади. Бунга халқларимизнинг ўзаро аҳиллиги, мамлакатларимиз Туркий Давлатлар Ташкilotига аъзо эканлиги асос бўлади. Биз эса шу кунларда кўп жилдлик “Туркий эллар фольклори” антологиясини нашрга тайёрлашга киришдик...

Қаранг, бу янги даврда қиладиган хайрли ишларимиз қанчалар кўп!

“Ўткан кунлар” романи қирғиз ўқувчилари қўлига теккани 14 апрель куни Бишкекда катта тантана қилинди. 23 апрель куни эса Қирғизистон Миллий Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Қанибек Иманалиев бош бўлган адиблар делегацияси иштирокида Тошкентда, Абдулла Қодирий ижод мактабидан ушбу янги таржиманинг тақдими ўтказилди.

“Қардош халқларнинг ҳар бир асари шу халқларнинг ҳар бири тилига таржима қилинса, қандай олижаноб иш бўлар эди! — деб ёзган эди Максим Горький. — Ана шунда биз бир-биримизнинг миллий-маданий ўзига хосликларимизни янада яхшироқ билиб олган бўлар эдик...”

Насиб, ана шунда чинакам дўстлик қарор топади, ҳар бир элнинг маънавий дурдоналаридан бошқа халқлар ҳам баҳраманд бўлади.

“Ўткан кунлар” романи мўтолааси билан қирғиз китобхон дўстларимизни муборакбод этишдан бахтирмиз.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ,
адабиётшунос,
“Ўзбекистон-Қирғизистон”
дўстлик жамияти раиси.

✓ ТАДБИР

ИЛМ МАСКАНИДА БАҲОР ШУКУҲИ

Апрель ойи охирида қолаётган бўлса-да, юртимизда Наврўз шукуҳи, завқи ҳануз сезилиб турибди. Табиат гўё янги нафас олгандек, кўкаламзорлар яна гул-гул яшнаб, кун-қунора табиат ўзининг баҳорий ёмғирлари ила сийламоқда. Баҳор — ашиллик, яшаш, эзгулик, меҳр-оқибат ва бирлик фасли. Ана шундай чиройли ва жўшқин кайфиятда кунни кеча пойтахтимиздаги Тошкент менежмент ва иқтисодиёт институтида Наврўз шодиёнаси юқори савияда, ўзига хос тарзда нишонланди.



Байрам тадбири Президентимизнинг 2025 йил 21 февралдаги “2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қўриши ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилди. Олий таълим масканидаги тадбир “Наврўз байрами — баҳорий завқ ва анъаналар бирлашуви” шиори остида ўтказилди.

Гўзал баҳорий тантанани институт ректори Ҳожиакбархон Аҳмедов очиб, Наврўзнинг тарихи ва мазмунига қисқача тўхтади. Барча устозлар, талабалар ва меҳмонларни шукуҳли байрам билан қутлади. Эзгу тилак-



лар қатнашчиларда кўтаринки руҳ, ифтихор ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини янада оширди.

Байрам дастури давомида таниқли санъаткорлар ва институтнинг иқтидорли талабалари томонидан тайёрланган миллий рақслар, куй-кўшиқлар, саҳна кўринишлари тақдим этилди. Бу чиқишлар орқали юртимизнинг турли ҳудудларига ҳис миллий урф-одатлар, либослар, қадриятлар, ранг-баранг таомлар ва халқ анъаналари намоиш этилди.

Тадбирда турли вазирлик ва ташкилотлардан нуфузли меҳмонлар ҳам иштирок этди. Хусусан, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шавкат Аюповнинг ташири институт педагогик жамоасини, талаба-ёшларни тўлқинлантириб юборди. Бу эътибор барча иштирокчиларга чуқур руҳий кўтаринкилик бахш этди.

Эътиборлиси, байрам доирасида талабалар ўртасида турли соҳалар бўйича танловлар ташкил этилган бўлиб, ғолиблар институт ректори томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бу талабаларни янада фаол ва билимли бўлишга, ўз устида ишлашга ундашига шубҳа йўқ.

Наврўз — бу фақат байрамгина эмас, у юртга, инсонга, табиатга бўлган ҳурмат ва муҳаббатни янада

оширувчи қадрият. У эзгуликка, дўстликка, яхшиликка чорлайди. Ана шу боис ҳам бу айём юртимизда йилдан-йилга кенг нишонланмоқда, унинг руҳи ва моҳияти халқимиз ҳаётида тобора чуқурроқ ўрин эгаллаб бормоқда.

Институт жамоаси, талаба-ёшлар, меҳр-оқибат ва эзгулик айёмини нишонлаш баҳонасида мириқиб дам олишди, бир-бирларига энг эзгу тилаклар, ёруғ ниятларини билдирдилар.



Дарҳақиқат, нафосат ва янгиланиш шодиёнаси — Наврўз фақат баҳорни севиниб қарши олиш эмас, балки, бирдамлик ва ҳамжиҳатлиқни янада оширувчи мўътабар мерос. Шундай гўзал кайфият, шоду хуррамлик ила айтиладиган покиза ниятлар юртимиздаги ҳар бир хонадонга, ҳар бир инсон қалбига юз тутаверсин!

Содиқжон ЯКУБОВ,
Тошкент менежмент ва иқтисодиёт
институтини профессори.

✓ УСТОЗЛАР МАКТАБИ



Ҳовлимизнинг олдидаги дастурхондай ерга бундан етти йил бурун уч туп илдизли ҳусайни ток эқдим. Зўр кўкарди-ю, мева солмади. Ҳосилхонасидан кўкартирилмаган экан-да.

Охири ўтган йили Наманган чиллакисю Тошкент обакисини пайванд қилдим. Қаранг, бу йилнинг ўзидаёқ чиллаки ўн, обакни беш бош гулламоқчи.

Янги чиққан новда ёмон мўрт бўлади-да. Қўлим тегиб кетиб, обакнинг бир новдаси ярим узилди-ку. Қаттиқ ачиндим. Раҳим ҳам келиб кетди. Шоша-пиша ҳовлига кириб, қуриши учун дорга осиб қўйилган дастурхонча олиб келдим-да, шу билан яхшилаб ўраб, боғладим. У ярим узилган новдани жойига маҳкамлашдан ташқари, ўша ямалган ерни офтоб иссиғидан ҳимоя ҳам қилади-да.

Икки соатдан кейин қарасам, минг афсус, қарийб бир қарич бўлган бу новдадаги барча барглр сўлиб бўлибди. Гулбош ҳам сулайиб қолган.

Лекин икки кундан кейин қарасам, гулбош бироз тиклана бошландек туюлди. Демак, сал-пал сув ўтапти. Новданинг гулбошдан кейинги қисмини шартта кесиб ташладим. Юкни қамайтирдим-да.

Уч-тўрт кунда гулбош бош кўтарди, десангиз. Хайрият! Бугун қарасам, ёнидан баргча ҳам чиқара бошлабди. Икки марта хайрият!

Художон-ей! Яратганинг ҳар қандай тирик мавжудотинг борки, аввало, “болам” дейди экан-да. Бу новда ҳам ўзи тўлиқ қуриб, ҳосилини олиб қолди-я!

Одамзоднинг феъли шундайки, то ўз кўзлари билан кўрмагунича бир гапга ишонмайди. Шунинг учун бугун бу “табиб”лигим натижа-сида “шифо” топган “пациент”им фотосуратини эътиборингизга ҳа-вола этишни маъқул топдим.

Энди ишонгандирсиз?

Султонмурод ОЛИМ